

ГУЛНОРА КАРИМОВАНИНГ ЖАЗМАНИ ОФФШОР ЭГАЛАРИ РЎХАТИДА



Ўзбекистон президентининг тўнғичи Гулнора Каримованиннг узоқ йиллик жазмани экани айтиладиган «Дадо» поп-гуруҳининг собиқ солисти Рустам Мадумаров АҚШдаги Суриштирув журналистлари халқаро консорциуми эълон қилган оффшор эгалари рўхатида пайдо бўлди.

АҚШдаги Суриштирув журналистлари халқаро консорциуми (International Consortium of Investigative Journalists) эълон қилган дунёдаги оффшор эгалари рўхатида жами 30 нафар ўзбекистонликнинг исми келтирилган.

Рўхатда келтирилган ўзбекистонликлар орасида фақат бир исм Ўзбекистонда кўпчиликка таниш.

У Ўзбекистон президентининг қизи Гулнора Каримовага энг яқин одам экани айтиладиган «Дадо» поп-гуруҳининг собиқ солисти Рустам Мадумаровдир.

Баъзи манбаларда Мадумаров Гулнора Каримованиннг узоқ йиллик жазмани экани айтилади. Бошқа манбаларга кўра, Мадумаров президент қизининг фуқаровий эридир.

ISIJ маълумотлари базаси (Offshore Leaks Database)да Рустам Мадумаровнинг манзили Тошкентнинг Юнусобод мавзеси деб кўрсатилган ва у Stockbrigde Plus LTD оффшор ширкатининг эгаси экани қайд этилган.

Stockbrigde Plus LTD 2005 йилда Хонг-Конгда рўйхатга олинган.

Аввалроқ, Швеция ва Норвегиядаги уяли телефон ширкатлари Ўзбекистон бозорига кириш учун Гибралтарда рўйхатдан ўтган ва Гулнора Каримовага яқин одамларга

тегишли Takilant, Swisdorn каби ширкатлар билан олди-берди қилишгани фош бўлган эди.

ISIJ эълон қилган маълумотларда Гибралтарда, Takilant жойлашган айна манзилда рўйхатга олинган Swisdorn Мадумаровга оид экани айтилган.

Францияда яшовчи ўзбекистонлик сиёсий таҳлилчи Қамолiddин Раббимов фикрича, Ўзбекистон президенти қизига энг яқин одам Рустам Мадумаровнинг оффшор эгалари рўхатида пайдо бўлиши тасодиф эмас.

Ўзбекистонда кенг тарқалган маълумотларга кўра, Мадумаров Гулнора Каримованиннг фуқаровий эри. Ўзбекистон сиёсий элитаси ҳам Мадумаровга бўлғуси ёки жорий куёв сифатида қарашади. Мадумаровнинг бу оффшор эгалари рўхатида пайдо бўлиши эса янгилик эмас, айна пайтда бу Мадумаровнинг пулни яширишда унча устамон эмаслигини ҳам кўрсатади, — деди Раббимов.

Суриштирув журналистлари халқаро консорциумининг оффшор маълумотлари базаси (Offshore Leaks Database) 2,5 миллион хужжатни ўз ичига олади.

Булар 58 мамлакатда 112 нафар журналист тарафидан олиб борилган суриштирувлар натижасидир.

Суриштирув журналистлари халқаро консорциуми вакилларига кўра, оффшор эгалари рўхатида исмлари келтирилган бу шахсларнинг ҳаммасини ҳам қонунни бузган, деб бўлмайди. Дэвид Гросс ISIJ журналистларидан бири:

— Улар орасида даромадларини яшириш мақсадида маблағларини оффшорга ётқизганлар бўлиши мумкин. Буни тергов қилиш улар яшайдиган мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳавола, деди ISIJ журналистларидан бири Озодлик билан суҳбатда.

Илгари оффшорларнинг оммага ошкор этилиши Австрияда қатор мулозимларнинг истеъфоларига сабаб бўлди.

Исроилда солиқ тўлашдан бўйин товлаганларга нисбатан чоралар қўйилди.

Ўзбекистонлик оффшор эгалари ҳақидаги ахборотни ICJ сайтыга кириб, қидирувга Uzbekistan номини берган ҳолда олиш мумкин.

«ЭРК» ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ АРЕНАСИГА ЧИҚАЖАК

Ўзбекистон аҳли мана 23 йилдирки, ўзига хос ва ўзига мос режимда яшамокда. Яъни, порахўр оладиган порасига, камбағал камбағаллигига ва оддий фуқаро эса тенгсизликка, адолатсизликка кўниккан ҳолда.

(Давоми: 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЙНОҚЛАР ФЕНОМЕНИ

26 июнда бутун прогрессив инсоният «Қийноқлар қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро кўни»ни нишонлайди. Бу кун Ўзбекистонда нишонланмайди, чунки мамлакатнинг ҳар бир кўни қийноқларга тўлиб-тошган. 2008 йилнинг 12 декабрида «Project Syndicate» (АҚШ) ўзининг «Қийноқлар Каримов режимининг ички сиёсатдаги ажралмас қисмидир» номли мақоласида ёзган эди: [Парча]:

(Давоми: 3-Бетда)

ИНҚИЛОБ УЧУН ҚУЛАЙ ВАҚТ КЕЛМАДИМИ, ЎХХ?

Харакатингизни хозирда юртимиздаги зулм диктатурасига қарши курашаётган ягона муҳолифат деб биламан ва шунинг учун ҳам сизларга бир хайрхоҳ сифатида баъзи фикрларимни билдирсам. Ҳамма даврларда зулм бўлган ва уларга қарши исёнлар бўлган. Зулмни йўқ қилиш умумий кураш билан самарали тарзда даф этилади. Бизнинг юртда ҳам зулм пичоғи суякка бориб етди ва биз бу зулмни даф этишда исёнга чиқишимиз шарт.

(Давоми: 4-Бетда)

ҲАРАКАТ САҲИФАСИГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРГА ИЗОҲ

Харакатимизга хайрихоҳларнинг хатларини ўқиб чиқдим, таассуротим мусбат. Қувонадиган тарафи шуки, Ҳаракатга йўналтирилган танқид ва маслаҳатларнинг аксариятида самимият мавжуд. Ҳар бир муаллиф маърифий савиясига кўра фикр юритган, аммо уларни бирлаштирувчи хусус самимият экани кўришиб турибди. Уларнинг баъзиларига жавоб беришни лозим кўрдим.

«Иймон муфассал» тахаллуси билан ёзаётган биродаримизнинг номаларини анчадан бери ўқиб бораман, бу киши конкрет таклифлар киритиш истеъдоди билан бошқалардан ажралиб туради.

(Давоми: 5-Бетда)

«ЭРК» ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ АРЕНАСИГА ЧИҚАЖАК

Ўзбекистон аҳли мана 23 йилдирки, ўзига хос ва ўзига мос режимда яшамокда. Яъни, порахўр оладиган порасига, камбағал камбағаллигига ва оддий фуқаро эса тенгсизликка, адолатсизликка кўниккан ҳолда.

Мамлакат ичкарасига, мардикорлардан тушаётган катта миқдорда валюта, истеъмол бозорида айланаяпти. Мамлакатдаги бу факт фуқароларимизнинг истеъмол молларга бўлган харид имкониятини ошираяпти. Мардикорнинг четдан юбораётган жўнатмаларининг ҳақиқий ҳисоби, йилига \$10 миллиарддан кўпроқ. Бундай молиявий имкониятга эга бўлган мамлакат аҳлини, ёмон яшайди дейиш ноўриндир. Унинг устига, валюта халқимизнинг қўлидан ўтиб, кейин умумий бозорга тушаяпти.

Халқимизнинг яхши хусусиятларидан бири, шахсий пулига тежамкорлиги ва пулни керак вақтда ва керак мақсадда ишлата билишидир. Келажақда, мамлакатни тараққиёт йўлига бошлайдиган иқтисодчи-тадқиқотчилар, халқимизнинг бу хусусиятларини, ўз лойиҳаларида акс эттирадидилар, деган умиддаман.

Миллатимиз охириги 100 йилдан кўпроқ вақт давомида, чор Россияси ва коммунистлар зулмида яшади. Энди халқ Каримовлар оиласи манфаатлари учун мамлакатда амалга оширилаётган зулм остида яшамокда.

Миллийлиги ислом билан чамбарчас боғлиқ бўлган, халқимизнинг бугунги куни, қаровсиз ва ғоясиз бўлиб бормокда. Каримов жорий қилган ижтимоий ҳимоясиз режимда, халқимиз ўз арбоби яхшилигини кутавермасдан, хорижда мардикор бўлиб, ватанда оиласининг келажагини кураяпти. Қойилман! Бундай халққа таъзим қилса арзийди.

Мамлакатда санокли корхоналаргина чала ярим ишляпти. Халқнинг катта қисми бу фактни колоқлигимиздан, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги кўпгина ишсизлар, сиёсий режимни ўзгартирганда, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий юксалиш имкониятларига ишонмаяптилар. Бу фактор халқимизнинг зулмга қарши бош кўтамаслигининг яна бир сабабларидандир.

Режим табияти, порахўрликни рағбатлантирувчи катта кучга эга. Шу сабабли ҳам, жамиятимизда порахўрлик иллати оммавий тус олган. Бозордаги оддий савдогар ҳам, мактабдаги ўқитувчи ҳам, давлат аппаратидаги мутасаддилар ҳам, ноқонуний даромад йўлини излайди ва топаяпти. Порахўр ўзининг инқилобий кайфиятини кўрсатишдан кўрқади. Ваҳоланки, порани олгандан кейин, сарф харажатларда, порахўрга ҳам адолат керак.

Талабаларнинг аксарият қисми, олийгоҳларга ота-оналаринг берган поралари эвазига ўқишга кирганлар. Фактлар шунини кўрсатаётгани, талабалар ўқув жараёنлари давомида, ўқишга жуда кам қатнашади ёки умуман қатнашмайди. Пора билан ишларини тўғирлайди. Порага суяниб ўқиётган ҳар бир талабанинг инқилобга хайрихоҳлик билдириши қийин. Ишга ўрнашиш, асосан таниш-билишчилик ва порахўрлик билан амалга оширилади. Пора билан ишга кирган ҳар бир ишчи

ва хизматчи, инқилоб учун ўз ишидан айрилгиси келмайди.

Бу айтилган фактларнинг барчаси, режимнинг моҳиятидан келиб чиқаяпти. Ночор халқ, ўзининг ноқонуний тирикчилигига ўрганган. Бу кўримсиз амалларида, халқимизни айблаб бўлмайди.

1991 йили мустақил давлатнинг мустақил президенти ҳеч қандай сиёсий кучга суянмаган ҳолда, Москванинг енгил қўли билан лавозимга ўтириб олди. Амал курсисининг ҳимоясини ўйлаган Каримов, мамлакатдаги сиёсий кучлардан “кутулиш” йўллари излади ва топди.

Она заминимизда ва бутун дунёда дини Ислом азалдан жамиятни маънавий юксалтирувчи куч бўлиб хизмат қилиб келган. Дини Исломнинг маънавий ва тараққиётпарварлик кучини сезган Каримов, унга шайтоний илм билан қарши турди. Диний экстремизм ва терроризм никоби остида Исломий жамоаларни таъкиб остига олди. Кўпгина диний илм соҳибларини ва курашчиларини қамокка ташлади. Жисмонан йўқ қилди.

Мустақилликкача пайдо бўлган сиёсий кучга, «Эрк» партиясига таъвозулик қилди. Унинг лидери ва кўпгина раҳбарият аъзолари, мухожиротда яшашга мажбур бўлдилар ва яшаяптилар. Бугун ўн нафардан кўпроқ «Эрк» партияси аъзолари, ҳамон қамокда.

Каримов мамлакат сиёсий майдонида, Ўзбекистоннинг буюк келажагини кура оладиган ва фуқаролар оқоимчилигини таъминлайдиган ягона шахс сифатида яққа ҳоким (диктатор) бўлиб олди.

Бугун «Эрк» партиясини асосан 50-60 ёшдан ўтган инсонлар ташкил қиладилар. Улар чет элларда, Тошкент шаҳар ва вилоятларда истикомат қиладилар. Бугун юртимиздаги партия аъзоларимиз зиммасига янги аъзоларни қабул қилиш юклатилган. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлишига қарамасдан, акция анча муваффақиятга ўтказилаяпти.

Шу пайтгача яширин иш олиб борган «Эрк» партияси, энди очикча фаолият кўрсатишга ўтди.

Бугун Ўзбекистоннинг мазлум халқи, Каримов режимдан безиллаган. Шу билан бирга, режимдан нафратланган халқ ўзининг ижтимоий ва сиёсий талабларини ҳокимиятга еткази олмапти. Халқаро ҳамжамият олдида мутлақо обрўси йўқ Каримов режими халқ учун бирор яхшилик қилишга қодир эмас.

Мана 23 йилдирки, ҳеч қандай сиёсий кучга эга бўлмаган режим, фақат ўзиритув амаллари билангина ҳокимиятда ўтирибди.

Режим ўз умрининг сўнгги кунларини яшаяпти. Ўзбек президентнинг соғлиги, халқаро сиёсий ва иқтисодий вазият, Исломнинг ва мусулмон мамлакатларининг бугуни тараққиёти, мамлакат сиёсатига ўзгартиш киритилишини тақозо қиляпти. Бу сиёсий шартни тушуниб, ўзини тушунмаганликка солаётган юртбошимизнинг, ҳали тахтдан кетиш кайфияти йўқ. Аммо лекин, вақт улуг ҳакам.

Инсонларимиз қалбидан, мамлакат раҳбарига бўлган нафратлар қанчалар кучли бўлишига қарамасдан “Каримов кет!”

дейишга ҳали халқимизнинг журъати етмаяпти. Сабаби мамлакатда:

-Инсон ҳуқуқлари ҳимояланмаяпти.

-Маъбуот эркинлиги йўқ.

-Келажаги буюк давлатда демократия йўқ.

-Халқ президентга ва раҳбарларга ишонмайди.

-Ҳокимият билан халқ орасидаги муносабат, умидсиз ва ночор аҳволда.

-Халқ муҳолифатни кўрмапти.

Бизнинг, яъни «Эрк» партияси аъзоларининг, халққа чиқшимизда, босимлар кучли бўляпти. Шунинг учун ҳам кўпчилик бизга қилинаётган босимларни эшитиб ва кўриб аъзо бўлишдан кўрқаяпти. Аммо, аъзо бўлиш жараёни барибир аста-секин давом этапти.

Халқ ҳукумат олдида ўзининг иқтисодий ва ижтимоий талабини қўя билса, мамлакатда муҳолиф кучлар пайдо бўлади ва у ривожланади. Бу шаритда муҳолифат, ўзининг сиёсий кучи билан омман бошқаришга қодир бўлади.

Президент ўзи барпо қилган яккахоқимлик шароити билан халқда катта кўрқув уйғотиб қўйди. Лекин бу кўрқув мардлар майдонга чиққан куни, халқ қалбидан эриб йўқ бўлиб кетади. Ўйлайман-ки, мардлар майдонга чиқсалар, куч ишларга тизими ҳодимлари ҳам, халқ томонда туриб, халқ оқоимчилигини таъминлайди. Кўрқув ҳиссидан қулган халқ, яхшилик томон эргашади. Натияжада, халқ ўз мамлакатига ўзи эғалик қилади.

«Эрк» партияси, мамлакат мустақиллигининг аввалиданоқ сиёсий кучга эга бўлган партиядир. «Эрк» Ўзбекистонда биринчи президентлик сайловларида, Муҳаммад Солих номзоди билан иштирок этди. Кейин эса ҳаммага маълум вақеалар содир бўлди. Партия яширин тарзда ишлаб бошлади. Ҳозир партияимиз, ҳукуматнинг босимларига қарамасдан, очикчасига ҳаракат қиляпти. Партия таркиби ёшараяпти. Янги авлод вакиллари партияга қабул қилинапти.

Дона халқимизда, “Амалдор икки ўлади” деган нақл бор. Яъни, амалдорнинг қўлдан амали кетгани ҳам, унинг ўлими ҳисобланади. Каримовнинг сиёсий ёки жисмоний ажали, қачонлардир ўзлари айтганларидек, мамлакатда, сиёсий ва ижтимоий хаосни келтириб чиқаради (Эй, бор Худоё, гуноҳкорингни кечир). Жамиятда, ит эгасини танимайдиган ҳолат юзага келади. Яъни, турли хил сиёсий гуруҳларнинг ҳокимиятга интилиши бошланади. Жумладан ЎХХнинг ҳам ҳокимият тепасига чиқиш ҳаракати бошланади. Нима бўлганда ҳам, бу олғовур интилишлар яхшилик билан тугасин. Эртанги кун, бугунгига ўхшамас. Яратгандан, эртанги кунимиз учун, яхшиликни тилаб қоламиз.

Хурматли ўқувчилар, кимнинг «Эрк» партиясига аъзо бўлиш истаги бўлса, ёки партия ҳақида маълумот олгиси келса, ушбу телефон рақамларига кўнғирок қилсин.

+99 890 927-14-05 +99 890 122-45-81

+99 891 780-49-98

Халқ бугун ҳам, «Эрк» партиясининг ғояларини қўллаб-қувватляпти. «Эрк» партиясининг асосий ғояси ўзгармасдир. Яъни, мамлакатни ҳақиқат ва адолат билан бошқариш. ЎХХ ва «Эрк» партияси яқин келажақда, Ўзбекистоннинг сиёсий арена-сига баралла чиқажак.

Нуратдин Джуманиязов

26 июнда бутун прогрессив инсоният “Қийноқлар қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни”ни нишонлайди. Бу кун Ўзбекистонда нишонланмайди, чунки мамлакатнинг ҳар бир куни қийноқларга тўлиб-тошган. 2008 йилнинг 12 декабрида «Project Syndicate» (АҚШ) ўзининг “Қийноқлар Каримов режимининг ички сиёсатдаги ажралмас қисмидир” номли мақоласида ёзган эди: [Парча]:

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЙНОҚЛАР ФЕНОМЕНИ

“ Президент Ислом Каримов режими Ўзбекистонда 19 йил давомида яшаётганида мустабидлик ва қийноқлар катта роль ўйнади — ҳеч қандай жинойт содир этмаган одамлардан иқрорлик олиш, сиёсий мухолифининг руҳини синдириш ҳамда уларга қўшилишни ўйлаётганларнинг ҳар бирини қўрқитиш учун миллиячи булардан кенг фойдаланиб келди”. [Парча тугади].

Қийноқлар Каримов режими ички сиёсатининг ажралмас қисмидир. Қийноқлар ҳукуматга аҳолини қўрқув ва итоатликда тутиб туришга имкон беради. Постсовет худудида фақат Ўзбекистонда қийноқлар феномени юз берди. Бу феноменни тушунтириш ягонадир: Ислом Каримов, мамлакатни авторитар усулда бошқариш мақсадида, ҳар бир авторитар давлатда қўлланилгани каби, давлатнинг ички ва ташқи душманлари сифатида мамлакатнинг мусулмонлар ҳамжамиятини танлади. Унинг бу танлови АҚШ ва Россия каби буюк давлатларнинг мусулмонларга нисбатан эгаллаган позицияларига тўлиқ мос келар эди. И.Каримовнинг мусулмонларни душман сифатида танлови:

1) уларни сон жиҳатдан ҳам, давомли вақт нуктаи-назаридан ҳам оммавий камашларни;

2) таъкиб қилиш, қамаш, ўлдириш ва “ишончлироқ” бўлиши учун терактлар содир этиб туришда кучли ирода намоён этишини;

3) концентрацион лагерлар типигадаги жазони ижро этиш муассасалари (ЖИЭМ) тизимини шакллантиришини;

4) садистликка мойил бўлган (одамларни қийнашдан хузурланадиган) терговчилар ҳамда ЖИЭМ ходимлари армиясини тузишини;

5) РСФСРнинг 1924 йилдаги кодекслари каби жинойт, жинойт- процессуал ва жинойт-ижроия репрессив кодекслар ишлаб чиқишни НАЗАРДА ТУТГАН ЭДИ.

Бу ва шу каби бошқа ишлар 1994 йил сентябрида якунланди. Оммавий репрессиялар бошланишининг дастлабки куни сифатида шу кунни танлаш мумкин бўлса-да, аслида бу кунни И.Каримовнинг коммунистик ҳукумати Ўзбекистон “Бирлик” халқ ҳаракати уюштираётган халқ митинглари ва қўча юришларини куч билан бостираётган пайт — 1989 йилнинг кузига суриш мумкин.

Ўзбекистонда юз берган қийноқлар феномени ҳақида узлуксиз гапириш мумкин. Ўйлайман-ки, қийноқлар қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро кунда қийноқларнинг қўлами ва турлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун

ака-ука Ҳафизулло ва Ҳабибулло Носировларнинг онаси, 1-гурӯх ногирони Валияхон Носированинг Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовга 2003 йил 29 декабрда йўллаган ОЧИҚ ХАТИни келтириш етарлидир. Айни шу кун бу бахтсиз, жони халқумига келиб қолган қария-онахон, Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти офисига И.Каримов номига узбек тилида ёзилган ўз хатлари матнини халқаро ташкилотлар ва халқаро



демократик ҳамжамият эътиборига етказиш учун интернет орқали тарқатишни сўраб олиб келдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.КАРИМОВГА ОЧИҚ ХАТ

ЖИЭМ УЯ 64/46 да сақланаётган махбус Ҳафизулло Носировнинг онаси, 1-гурӯх ногирони Валияхон Носировадан Жаноб Президент!

Менинг ўғлим Носиров Ҳафизулло Сурхандарё вилоятининг Денов туманида зиёли оиласида туғилган. Кучли билимга эга эди. Отаси барвақт вафот этганлари, мен қўлимда етти ёш болам билан қолганим туфайли у ёшлигидан ўзининг ҳалол меҳнати билан нон топиб оила боқувчисига айланди. Ўз билимларини тинимсиз ошира бориб Ҳафизулло ислום таълимотини яхши ўзлаштирди.

Ўғлимни 1999 йил 8 октябрида “Хизб ут-Тахрир”га аъзоликда айлаб Тошкентда хибсга олишти. У 4 ой давомида ИИВ ертўласида дахшатли қийноқлар остида сақланди. Унинг қаердалигини узоқ вақт биздан яширишти, олдига адвокатни киритишмади. Кейинчалик унга нисбатан ушбу қийноқлар қўлланилгани маълум бўлди:

- тирноқлари тагига нина тикканлар;
- омбур билан тирноқлари ва соғ тишларини суғурганлар;

- резина таёқ билан тери ва эт бўлақлари учиб чиққанча, суяк кўриниб қолгунча товонига уришган;

- электршок билан қийнаганлар;
- шипга қўли ва оёғидан осиб қўйишган;

- полга михланган стулга боғлаб узоқ вақт калтақлашган ва ҳ.

Фақат 2000 йилнинг февралда у УЯ 64/ТИ-1 тергов изолятори (“Тоштурма”) га ўтказилган ва уерда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида март ойида бўлиб ўтган судга қадар сақланган. Мазкур судда судланувчи сифатида 12 одам иштирок этган. Суд мажлислари оралиғида судланувчилар дахшатли калтақланганлар. Судланувчиларнинг қариндош-уруғлари олиб борган озик-овқатлар, гарчи уларни пора ҳисобига конвойчилар орқали киргизилган бўлса-да, судланувчиларга этиб борманган, шу сабабли судланувчилар оч қолишган.

Менинг ўғлимни 156 (2, “д”), 156, 159 (3, “а”, “б”), 177 (3, “а”, “б”), 242 (1), 216, 2441 (3, “а”), 2442 (2), 246 (1) моддалар билан айбашди ва суд уни 18 йилга озодликдан маҳрум этди. Апрель-май ойларида у УЯ 64/СИ-13 (Ховост ш.) тергов изоляторида, июнь ойида УЯ 64/65 (Зангиота кўрғ.) да сақланди. Сентябрьда Ҳафизулло

УЯ 64/СИ-9 (Нукус ш.)га жўнатилди ва уерда у 2,5 ой якка-ёлғизлик камерасида ўтирди. Бу вақт оралиғида камеранинг эшик ва деразалари совуқ ҳаво ва елвизак бемалол эсиб туриши учун атайлаб очиб қўйилган. Шундай қилиб, икки ярим ой давомида Ҳафизулло зах, совуқ, елвизакли камерада сақланган ва бунинг натижасида унда бронхиял астма бошланган, бадани йирингли яра билан қопланган, мускуллари ҳар қандай нарса сал тегиб кетса ҳам зирқираб оғрик берган. Унинг ўлимига бир қадам қолган. Чамаси, мақсад уни жисмоний йўқ қилиш бўлган.

Уша ноябрь ойлари менинг кичик ўғлим Ҳабибулло Носиров “Жаслик” кўрғончаси яқинида жойлашган ЖИЭМ УЯ 64/71да муддат ўтаётган эди. Таъқиқларга қарамадан у намоз ўқиганлиги учун уни ўлдиришти. Бу қотиллиқни кўрган гувоҳлар бор. Уни ваҳшиёна калтақлашаётганини одамлар кўришган. Унинг жасадини Нукусдан 2000 йилнинг 23 ноябрида уйга олиб келишти, ўша кун Ҳафизуллани Тошкентдаги турма-қамокхона УЯ 64/18 (Сангород)га ўтказишган. У укаси ўлдирилганини билмаган. Ҳабибуллонинг бадани шу қадар дабдала қилинган экан-ки, уни таниб олиш қийин бўлди. Калтақлар зарбидан унинг қорни йиртилиб кетган, ичаклари эса каттиқ зарарланган, унинг қулоқлари кесиб олинган (тўлиқ кесиб олинган ва сўнгра ўз жойига тикиб қўйилган), боши пачоқ қилинган, суяклари синдирилган.

УЯ 64/18 ЖИЭМда бир ой давомида Ҳафизуллага ҳеч ким қарамаган, уни доволашмаган. Тамоман ниқувига етган одамни УЯ 64/46 ЖИЭМ (г. Навоий)га ўтказишган. Бу зонада у уч йилдан бери сақлаб турилибди. Худди шуерда у одам ақли бовар қилмайдиган ҳақоратлар, таҳқирлашлар ва хўрликларга дучор қилинган. Шулардан баъзиларини айтиб ўтаман:

1 Зонадаги хожатхона шундай қурилган-ки, ундан оқаётган барча нажас хожатхона ёнида қавланган ўрага келиб тушади. 2001 йил февралда ўғлимни шу ўрага энгагигача ботирганлар. Зонанинг ҳайвонсифат бир ходими оёғи билан унинг бошига тепган ва уни бутунлай чўқтирган.

2) Ҳафизуллони ҳар куни энг оғир ишларни бажаришга мажбурлашган:

- қувалда билан катта-катта тошларни майдалатишган;

- чиқиндилар (тошнинг майдалари) ни, тошларни майдаловчи машинадан чиққан пориларни тўплашга, чиқинди ва пориларни галтакка солиб узоқ масофага ташишга мажбурлашган.

(Давоми кейинги саҳфада)

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЙНОҚЛАР ФЕНОМЕНИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўғлимни бир неча марта “БУР”га ташлашган, уерда махбусларни бир ҳафтадан олти ойгача сақлашади. “БУР” “ШИЗО”га нисбатан даҳшатлироқ, уни ўлим камераси дейиш мумкин. У “ШИЗО” ва “БУР”дан ташқарида ҳам зона бошлиғи ва бошқа ходимларининг муттасил жисмоний ва руҳий босими остида бўлган. Махбуслар шикоятлари бўйича зонага комиссия келганда унинг аъзолари билан учраштираш учун Ҳафизуллони “ШИЗО”да яширишар экан. 2003 йилнинг 4 мартдан 4 сентябрга қадар, яъни олти ой мобайнида у “БУР”да сақланган. Биз бу ҳақда билмаганмиз. 10 март Ҳафизулло яқинлари билан бир суткалик учрашиш учун қонуний кун эди ва мен амал-тақал пул тўплаб, ўғлимга ейдиган у-бу харид қилиб, Деновдан Навоийгача бўлган йўлни 10 соатда босиб ўтиб унинг олдида жўнадим.

Мен 1-гурӯх ногирониман, икки қўлтиктаёқ билан юраман, бир ўзим юра олмайман, кимдир мени ҳамма вақт суяб юриши керак. Менинг бу аҳволим зона ходимларига яхши маълум. Ўша кунни улар менга: “Сизга бошқарма одамлари ўғлингиз билан кўришишга рухсат беришмади” дейишди. Мен ўғлимни кўра олмасдан ортга қайтдим. Тез орада ўғлимни кўришга рухсат олиш учун мен Тошкентга бордим (йўлга 12 соат вақт кетади, қайтишга ҳам шунча), бироқ ЖИЭББ бошлиғи илтимосимни рад қилди. Сентябрьнинг бошидагина, яъни охириги кўришувдан бир йил ўтгач мен ўғлим билан учрашдим. Қонуний бир суткалик учрашувдан олдин уни нима сабабдан “БУР”га ташлаганларини мен энди тушундим.

2003 йил 12 ноябрь кунини Ҳафизулло тош майдаловчи машина олдида ишлаётган пайтда унда пайвандлаш иши олиб борилаётган бўлган. Гарчи бундай пайтда тош майдаловчи машина олдида ишлаётган одамларни хавфсиз масофага кўчириш лозим бўлса-да, бироқ менинг ўғлимни ишни давом эттиришга мажбур қилишган.

Тепадан унинг бошига вазни 4 килоча бўлган металл парчаси тушиб кетган. Ҳафизулло қаттиқ шикастланган, бош чаноғи синган, ўзи хушидан кетган. Тиббий бўлимда амал-тақал қилиб ярани тикишган. Бироз кундан кейин охиригача даволанмаган Ҳафизуллони яна оғир тош майдалаш ишига ҳайдашган. Эртаси кунининг соғлиғи кескин ёмонлашган ва яна ўша тиббий бўлимга ётқизишган. Ўғлим билан учрашишга рухсат олиш учун мен яна Тошкентга, ЖИЭББ раҳбарлари олдида жўнадим. 19 декабрь кунини ўғлим билан учрашишга эришдим.

Унинг ҳолати оғир экан: мия чайқалиши туфайли боши сурункали оғир, бошайланиш тинмас экан, оёқда зўрга юради, иштаҳаси йўқ, мулақо кучсиз. Тошмайдалагич олдида бўлган ходисада ўғлимнинг ўзини айблашибди, оғир шикастланишни енгил деб ҳужжатлаштиришибди. Менга маълум бўлишича, махбусларни тошмайдалагичда ишлаш муддати меъёрий ҳужжатлар бўйича 8-12 ой бўлса-да, менинг ўғлим уерда уч йилдан бери ишламоқда.

Нимага эришмоқчилар? ЖИЭББ раҳбарларининг мақсади нима? Жавоб аниқ: менинг иккинчи ўғлимни ҳам ўлдириш. Ҳозирча менинг ўғлимни ҳақсиз-хуқуқсиз қулга айлантдиришди. Менинг ўғлимни суд истаган манзилга бориб-келиш ҳуқуқидан маҳрум қилган, шунинг учун ҳам у ЖИЭМда сақланмоқда-ку! “Озодликдан маҳрум этиш” юстиция тилида истаган манзилга бориб-келиш ҳуқуқидан маҳрум этишни билдиради, бироқ қийноққа солиш, ваҳшиёна калтаклаш, иззат-нафсини таҳқирлаш, ҳақоратлаш, “ШИЗО” ва “БУР”га камаш, нажас йиғиладиган ўрага ботириш эмас-ку! Бу қачонгача давом этади, жаноб Президент?

Менинг ўғлимнинг эътиқоди ягона Аллоҳга сиғиниш, Унинг ҳар бир мусулмонга буюрганларини сўзсиз бажариш ва У маън этган нарсаларни қилмаслик эди. Очиқ-ойдин бўлмоқдаки, ўзларининг эътиқодлари учун Сиз-

нинг ҳукуматингиз уларни “террорчи” ва “халқ душмани”га айлантдиришди. Уларнинг қуроли бўлганлар, улар ҳеч кимни ўлдиришмаган, ҳокимиятга тажовуз қилишмаган. Менинг ўғилларим ислом таълимоти ила кучли эдилар, ким чидамлик билан Унинг талабларини бажараётган ва Ундан ажр кутаётган бўлса, Аллоҳ Ўз нури билан ўшаларни мамир қилишига сўзсиз ишонар эдилар. Улар одамларни фақат яхшилик қилишга ва ёмонлик қилмасликка даъват қилишар эди. Мен ҳақиқий муслима сифатида шу пайтгача чидаб, ун чиқармай ишониб келдим. Энди менинг чидамларим тугади ва бундан кейин овоз чиқармай юрмоқчи эмасман. Дунё яхши одамларсиз эмаслигини мен биламан. Мен яна бир нарсани биламан: ИИБ, МХХ, ЖИЭББ, прокуратура, судларда ўз халқига, унинг энг яхши ўғил ва кизларига зулм ўтказётган Сизнинг барча малайларингизни Аллоҳ жазолайди.

Мен бир ўғлимни йўқотган она, 1-гурӯх ногирон сифатида ТАЛАБ ҚИЛАМАН:

1) Ишида халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашган комиссия тузилсин, унинг аъзолари менинг ўғлим Ҳафизулло Носиров билан учрашишини, у сақланаётган қамокхона мулозимларининг унга ўтказётган зуғумлари фактларини аниқлаб, ўрганиб чиқишсин;

2) Ўғлимни қалтаклаган, ҳожатхонага ботириган, таҳқирлаган, уни бажариш имконсиз бўлган оғир ишларни бажаришга мажбурлаган мулозимларнинг барчаси жазолансин;

3) Ўғлимнинг жиноий иши қайтадан кўриб чиқилсин ва озодликка чиқарилсин, чунки у АЙБСИЗдир.

4) Менинг ўғлим Ҳабибулло Носировнинг қотиллари топилсин ва улар қатъий жазолансин.

Тўрт йил давомида мен Сиздан ҳеч нарса талаб этмаганман. Сизга “Ўзбекистонда бу мустабидлик қачонгача давом этади, Сиз ўзингизнинг акселинсоний сиёсатингизни тўхтатиш ниятингиз борми?”, деган саволни бериш фурсати келди, деб ўйлайман.

Толиб Ёқубов

ИНҚИЛОБ УЧУН ҚУЛАЙ ВАҚТ КЕЛМАДИМИ, ЎХХ?

Ассалому алайкум, ЎХХ раҳбарияти ҳамда унинг жамоа аъзолари!

Ҳаракатингизни ҳозирда юртимиздаги зулм диктатурасига қарши курашаётган ягона муҳолифат деб биламан ва шунинг учун ҳам сизларга бир хайрхоҳ сифатида баъзи фикрларимни билдирсам. Ҳамма даврларда зулм бўлган ва уларга қарши исёнлар бўлган. Зулмни йўқ қилиш умумий кураш билан самарали тарзда даф этилади. Бизнинг юрtdа ҳам зулм пичоғи суякка бориб етди ва биз бу зулмни даф этишда исёнга чиқишимиз шарт.

Юртбошининг охириги «дангаса» деган сўзи ҳам бу йўл тўғри йўл бўлишни кўрсатиб турибди. Андижонда у бўлганди, бу бўлганди деган гаплар энди ўтмишда қолди. Ана ўша ишлар

бизни кўрқок эмас, балки аксинча, янада журъатлироқ қилиши керак эди. Ўша дамда бошланган исённи давом эттиришимиз шарт!

Бирорта марслик самодан учиб келиб бизга золимларни тўнтариб бермайди, ҳеч ким биз учун зарур бўлган ишларни қилиб, кейин оғзимизга ош солиб қўймайди, халқаро ташкилотларнинг бирортаси бизга ёрдам бера олмайди. Ҳурматли Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раҳбарияти! Олдингизда долзарб муаммолардан бири мана шу инқилобдир. Диктатуранинг тугатилиши бугунги кунда на сиёсий дипломатия орқали ва на референдум сайловлари орқали содир бўлмайди. Ягона йўл — инқилоб ва адолатни тиклаш! Сизлар албатта энг муҳим ҳамда тинч сиёсий кураш йўлида бўлиб келдингиз, аммо натижа жуда оз.



Бизнинг умидимиз эса Аллоҳдан ва сабабчи ўрнида сизларнинг партиянгиздандир. Ҳозир нима бўлса бўладиган ва бўлаётган даврдир. Бу даврда ЎХХ дан энди жиддий инқилобий қадамлар сўраймиз. Ҳукумат бундай қадамларингиз ортидан албатта сизларни “террорчилар” дея жар солади, аммо бу даъволар мутлоқ аҳамиятсиздир. Шу кунгача улар сизни бошқача агай олишмади. Бу ҳукумат учун адолат талаб қилган пашша ҳам террорчи хисобланади. Сайлов кунларига жуда оз вақт қолди, кун сайин тахт учун қорни оғриётганларни холи ойдек равшан кўраёпмиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

ИНҚИЛОБ УЧУН ҚУЛАЙ ВАҚТ КЕЛМАДИМИ, ҲАХХ?

(Давоми: Боши олидинги саҳифада)

Талабгорлар ичида намуна олса бўладиган номзод мутлоқ йўқ.

ҲАХХ раҳбарияти ҳамда жамоси! Биз албатта сизларнинг қақирларингизни эндиликда жиддий тус олишини анча вақт кутдик ва энди бизнинг ишончимизни сизлар ҳам муносиб баҳоланглар. Расмий Тошкент, ҳукумат идоралари учун жадал оғиз йиришни бошлайлик. Мағбуот уруши ҳам самаралидир, лекин энди ҳам ахборот, ҳам амалий ҳаракатлар жангини бошламоқлик фурсати келгандек. Бу ҳукумат ҳеч қачон сизларни тан олмайди, ва ҳамиша хоинлар деб жар солаверади. Бу гаплар бизлар учун 50-масала деб билайлик, ҳамиша онгсиз ва зулмга сиғинажак манкурт ким-

салар бўлади ахир. Бироқ сизларнинг қадамларингизга умид боғлаган адолат истовчилари улардан минг чамдон кўпроқдир.

Бу халқдан қачон нидо чиқади деб кутишимиз ўзимизга чоқ қазишимиздир. Халқни кўрқокликда айблайверганимиз билан натижа хамиша нолга тенг, оддий қақирқ ва даъватлар эса қор қилмаслигини қачон тушуниб етамиз. Бу халққа реал лидер керак, жиддий қадамлар босиб ҳаммани эсанкиратиб қўядиган муҳолифат зарур.

Бу кўрқок халқ агар муҳолифатда ҳам кўрқув кўрса, илло эргашмайди унга. Сизлар шу йўлда жон тиккан азиз халоскорларимизсизлар! Шундай экан, жиддий қадамларни янада кўпроқ

қилайлик! Бу халқ сизлардаги журъатни кўрсин, сизлардаги шижоат сабаб шоёт кўрқувлари кураш ва бирликка айланса.

Сизларга осон тутмаймиз ва фақат сизларни қўллаймиз. Айтган талаб ва таклифларимни фақат менгина эмас, балки миллионлаб ўзбеклар айтди деб ҳисоблайман. Сизлар билан яқдил эканмиз, албатта ўзаро бир-биримиз билан ҳамфикр бўлишга ҳақлимиз деб биланман.

Ҳурматли ҲАХХ раҳбарияти! Шахсан Мухаммад Солих ака! Манна шу масалада бизларга жавоб қайтаришингизни, бизларни айтганларимизни эътиборга олиб бир мулоқот сифатида жавоб ёзишингизни умид ила кутиб қоламиз. Эътиборсиз қолдирмайсиз деган умиддамиз. Ташаккур.

ИЙМОН МУФАССАЛ ва Дўстлари

ҲАРАКАТ САҲИФАСИГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРГА ИЗОҲ



эканни ёзганларидан кўриниб туради. «Халқ ҳаракати» дейилган бир ташкилот айнан халқ тарафидан ҳаракатга келиши мумкинлигини идрок этган бир шахс.

Улар қўйган масалалар чиндан ҳам муноқаша ва таҳлил қилиш учун муносиб масалалардир.

Ҳаракат Форумида кўтарилган баъзи саволларга қисқа бўлса ҳам жавоб беришим керак.

1.Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаолиятини икки форматда олиб борапти. Биринчиси хорижда, иккинчиси юрт ичкарасидаги фаолият.

Юрт ташкарасида олиб борилаётган фаолиятимиз очиқ ва шаффофдир, чунки биз ҳур давлатларда яшаймиз, бу давлатлар режими ҳам очиқ ва шаффофдир.

Ўзбекистондаги фаолиятимиз очиқ ва шаффоф эмас, чунки ўлкаимизнинг режими ҳам ёпиқ ва қоронғудир. Биз Ўзбекистонда «нима» қилаётганимизни очиқ айтмаймиз, чунки бу бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига таҳлика туғдиради. Мухолиф партияга аъзо бўлиш, муҳолифат нашрларини ўқиш жиноят ҳисобланадиган бир ўлкада очиқ фаолият кўрсатишнинг имкони йўқ. Шу боис, биз у ерда нима қилаётганимизни тўлиқ айтишимиз мумкин эмас. Аммо бу бизнинг ҳеч нарса қилмаётганимизни ҳам билдирмайди. Ишларимиз илгариларидан Худого шукр, халқ ичида ҳам, ҳукумат доираларида ҳам хайрихоҳларимиз кунда-кунга орта-япти.

2. Маблағимиз бор. Юрт ичида Ҳаракат учун КОНКРЕТ хизмат қилаётган фаолиятимиз — агар унинг бошка жойдан олаётган маоши бўлмаса — мутлақо хизмат ҳаққини оляпти. Ва бу кишилар ташвиқот учун зарур асбоб-ускуна билан таъминлангандир. Аҳоли ичидаги ташвиқотимиз қийинчилик билан бўлса ҳам давом этмоқда.

3. Катта лойиҳаларимиз бор, буларга катта молиявий тамал (база) керак, бу ҳам вақти соати билан кўрилади, иншо Оллоҳ.

4. Секин-аста қўшни давлатларнинг хайрихоҳлигига эришиб бормоқдамиз. Ўзбекистонда ўзгариш соати келганда, уларнинг дастаги биз учун бисёрдир.

5. Хориждаги Ўзбек ишчилари орасида мавжудиятмизни кўрсатишга баҳоли қудрат уриняпмиз.

6. Газеталаримиз «Эркин Юрт» ва рус тилидаги «Воля» ҳам халқ орасида танила бошлади десак муболоға булмайди.

Хуллас, хорижда таъсис этилиб, юрт ичкарасида ўзини кўрсатишга интилаётган бир сиёсий ташкилотнинг бутун масъулияти ва кийинчиликлари билан унинг самараси ва қувончини ҳам яшамоқдамиз.

Истасангиз, бу қисқа сўзни сиз ҳурматли хайрихоҳларимиз ҳузурида кичик ҳисобот ўлароқ қабул этинг.

Сўзимнинг охирида бир ўқувчимизнинг «сизлар Каримовнинг ўлимини кутиб, Азимов билан келишяпсизлар» деган иддаосига шу жавобни бермоқчийдим: Биз ҳеч кимнинг ўлимини қутаётганимиз йўқ,чунки Оллоҳга ишонган бандаларимиз. Ўлим ҳам, ҳаёт ҳам Оллоҳнинг қўлида эканлигига иймон этган кишиларимиз. Биз Каримовнинг шахсига эмас, унинг шахси қурган ЗУЛМ САЛТАНАТИ га қарши курашиш учун мана 25 йилдир-ки майдондамиз. Биз бу салтанат йиқилгунча унга қарши курашни давом эттиришга қасам ичдик ва иншо Оллоҳ ғалаба онлари яқиндир. Бу курашда сабр ва сабот тилайман ҳаммангизга.

Бизни ёлғиз қўймасдан, юрт масалаларини биз билан баҳам кўрганингиз учун ҳаммангизга ташаккур.

Мухаммад СОЛИХ
ҲАХХ Муассислар Мажлисининг Раиси

Ҳаракатимизга хайрихоҳларнинг хатларини ўқиб чиқдим, таассуротим мусбат. Қувонадиган тарафи шуки, Ҳаракатга йуналтирилган танқид ва маслаҳатларнинг аксариятида самимият мавжуд. Ҳар бир муаллиф маърифий савиясига кўра фикр юритган, аммо уларни бирлаштирувчи хусус самимият экани кўриниб турибди.

Уларнинг баъзиларига жавоб беришни лозим кўрдим.

«Иймон муфассал» таҳаллуси билан ёзаётган биродаримизнинг номаларини анчадан бери ўқиб бораман, бу киши конкрет таклифлар кириштириш истеъдоди билан бошқалардан ажралиб туради.»Мухолифат ўзини қилипти» қабилдаги сийқаси чиқиб кетган дашномлардан узоқ, фитна ва ғийбатга асосланган «таҳлиллар»га бўлганмасдан, ўзининг Ҳаракат учун фойдаси тегиши мумкин бўлган маслаҳатларини тилга олади. Бу жиҳат постмодерн замонда, куфрбозлик, сўзпарастлик, ҳақорат эркинлиги авж олган Демократик Жаҳолат даврида инсонга бироз бўлса-да таскин беради.

Шунингдек, Илхом Мамедов номи билан саҳифамизга ёзиб турадиган дўстимизнинг тушунчалари ҳам тақдирга шоён дир. Халқини ўйлайдиган, фидойи бир инсон

Ислом Каримов Москва кўчаларини супураётган ўзбек меҳнат муҳожирларини дангаса деб, уларни тиламчиларга тенглаштириб қўйди. Эҳтимол Ўзбекистон президенти бу гапларни мутлақо “ички фойдаланув учун”, фақат Ўзбекистон аҳолисига қарата гапиргандир. Ўзбекистон интернет-оммавий ахборот воситалари ўз раҳбарининг кескин ва ғалати сўзларидан гўё иймангандек, унинг баёнотини қайта чоп этиб ўтирмадилар.

ИСЛОМ КАРИМОВ: ВОҚЕЛИКДАН ЙИРОҚДА

Агар хушёр чет эл ахборот агентликлари бўлмаганда, дангасалар ҳақидаги ибора “хорижий эфирга” чиқиб кетмаган бўларди. Ўзбекистон президентининг 19 июнь куни Жиззахга сафари давомида гапирган ғалати гапларига биринчи бўлиб Би-би-си мониторинг хизмати эътибор қаратди. Душанба куни эса ушбу видеолавҳа Озодлик веб-сайтида ҳам пайдо бўлди.

Ислом Каримов нима деди?

“Энди дангасалар ҳозир Ўзбекистонда камдан-кам. Энди дангасалар деб кимни ҳисоблайман, мана Москвага бориб кўчаларни, майдонларни супурадиганларни. Утда нима йўқ, одам жирканадики, ўзбек миллатидан шунақа бориб, ўзига бир бурда нон топиш учун ўша ёққа бориш керак экан. Ҳа, Ўзбекистонни ўзида ҳеч ким очликдан ўлаётгани йўқ, барака топгур!... Бунақаларни дангаса дейманки, катта пул тезроқ топиш учун у ёққа бориб шарманда қилади ҳаммамизни”.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон раҳбари хорижга пул ишлагани отланаётган меҳнат муҳожирларига ўз эътиборини биринчи бор қаратаётгани йўқ. Бир неча ой илгари ҳам Москвадаги болани калтаклаган ўзбек фарроши тўғрисида билиб қолган Ўзбекистон президенти шунга ўхшаш гап қилганди. Ушанда президент юзага келган аҳвол учун ички ишлар вазирини айбдор қилди. Дакки эшитган вазир эса чегарадан ўтаётганлар орасидан меҳнат муҳожирларини аниқлашга киришишдан бошқа чора топа олмади. Амалда эса, милиционерлар мамлакатдан чиқмоқчи бўлаётган гастарбайтерлардан пора таъма қила бошладилар. Ўзбекистон президентининг бир одати бор: у қоғозда тайёрланган матн мавзусидан тез-тез четга чиқиб кетиб қолади. Унинг бу каби экспромтлари синхрончи таржимонларни, шифровкачиларни (оғзаки нутқни босмага айлантирувчилар) ва республика расмий оммавий ахборот воситалари муҳаррирларини боши берк кўчага киритиб қўяди.

“Расшифровкасини қандай ёзишни билмай қоласан. У битта ғоя ҳақида гапиришни бошлайди-ю, кейин мутлақо бошқа мавзуга ўтиб кетиб қолади. Кўп ҳолларда у сўкинмайди-ю, норасмий, яъни давлат раҳбарига ҳос бўлмаган оғзаки нутқ лексикасидан

фойдаланишга ўтиб кетади”, — дейди таҳририят ходимларидан бири.

Чиндан ҳам, Каримовнинг сўзлари кўп ҳолларда ўзини инкор этиб қўяди. Ўзга юртга кўча супургани кетаётган одамлар қанақасига дангаса бўлсин? Ёки улар чиндан ҳам “бир бурда нонга” зор бўлиб кетаяптими? Бошқа тарафдан олиб қараганда, бунақанги дангасалар иши учун мўмайгина иш ҳақи тўлайдилар. Наҳотки шу нарса “шармандали” бўлса?..



Расмий оммавий ахборот воситалари бу каби экспромтларни чоп этмайдилар, матбуотга чиқармайди. Бу сафар ҳам шунақа бўлди. Ўзбекистоннинг бош ахборот агентлиги саналган ЎЗА ахборот агентлиги хабаридан ҳам, ўша хабарни тарқатган барча оммавий ахборот воситаларида ҳам Каримовнинг меҳнат муҳожирларига нисбатан муносабати тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтилмаган: фақат мамлакатнинг доимий раҳбарининг “доно раҳнамолиги остида” эришилган мамлакат ютуқлари тилга олинган, холос.

Иқтисодиётнинг гуркираб яшashi ва халқ фаравонлиги ўсишининг тўла-тўқис далили сифатида миллат етакчиси Ўзбекистонда кундузи чироқ билан ҳам “бомж”ларни (уй-жойи йўқ дайдилар) ва тиланчиларни топиб бўлмаслигини билдирди. Буни эшитиб ўтирган учрашув иштирокчилари бошларини бараварига ликиллатиб, президентнинг гапини маъқуллай бошладилар. Каримовнинг қўл остидагилар бу масала Ўзбекистонда жуда оддий қилиб ечилишини жуда яхши биладилар: “бомж”ларни тутиш учун миллицияда махсус ишлаб чиқарилган режа-дастур мавжуд — бир кунда камида 10-15 киши. Аммо қўлларини чўзиб садақа сўраётган қари кампирларни, боласини кўтариб олиб садақа сўраётган оналарни пойтахтнинг ерости ўтиш жойларида йилнинг исталган вақтида учратиш мумкин...

“Юртбоши”нинг ушбу луқмаси яна бир бор халқ орасида латифа бўлиб қолди ҳамда президент халқнинг нақадар қийинчилик билан кун кечираётганини билмаслиги, юртдаги “фаравон турмуш” ҳақида эса Ўзбекистон ТВ дастурларидан-у, қўлостидаги мулозимларининг баландпарвоз

ҳисоботларидан билаётганини намойиш этди.

Каримовнинг меҳнатсевар ўзбек меҳнат муҳожирларига қарата айтган ушбу сўзлари уларни уларни бефарқ қолдирмади. Озодлик Радиоси суҳбатдошлари ва радио сайтида шарҳ қолдирган ўқувчилар президент сўзларига жавобан ўзларининг иссиқ ўрнини ташлаб, ўзга юртларга пул ишлаш учун чиқиб кетишга нималар мажбур қилгани тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. Уларнинг асосий дастиги — ватанда муносиб иш йўқлиги, оилани қандай қилиб бўлса ҳам боқишга интилиш ҳамда болаларини ҳаётда ўз ўрнини топа олишига бирор ёрдам кўрсатиш истаги. Бир оғиз сўз билан гапирилаётган бўлса: мусофирчиликдан мақсад — яшаш учун кураш!

Муҳтарам президентга ва унинг атрофидагиларга агар кўп миллионли “дангасалар” армияси бўлмаганида Ўзбекистон иқтисодиёти қай аҳволга тушишини эслатиб қўйиш жоиз. Россия Марказий банкининг маълумотига кўра, биргина 2012 йилда ўша дангасалар ўзбек ғазнасини 6 миллиард долларга тўлғаздилар!

Юқоридан келтирилган лавҳа Ўзбекистон президентининг воқеликдан мутлақо айрилганини яққол намойиш этиб турибди. Каримов баёнотларининг тутуриқсизлиги оддий ўзбекистонликларнинг ҳам кўзига ҳам ташланиб турибди.

“Ростини айтсам президентимиз умрининг охирига келиб қолган Брежневни эслатадиган бўлиб қолибди. У ҳам охирида мамлакатда нималар содир бўлаётганини англамай қолганди, — дейди Москвага пул ишлагани келган “Фарғона” агентлиги суҳбатдоши. — Агар Худо кўрсатмасин, Россия миллионлаб ватандошларимизни депоорт қилишга қарор қилса борми, Ўзбекистонда чиннакамига ижтимоий-иқтисодий бўҳрон бошланиб кетиши ҳеч гап эмас. Мантиқан олиб қараганда, расмийлар меҳнат муҳожирларининг меҳнатига муҳтож бўлган Россия иқтисодиётига ҳамда ўзга юртларда қийинчиликларга чидаб, ватанида қолган яқинларини, оиласини қўллаб турган ўша “дангасаларга” раҳмат айтиши керак”.

Олдин ҳам Ўзбекистон раҳбари ва бошқа давлат мулозимлари бир неча бор қутилмаган, юзага келган воқеликдан мутлақо йироқ бўлган баёнотларни бериб келишган. Мисол учун, Каримов бир неча бор республика аҳолисининг ўртача ойлиги 500 долларга чиқади, деб ваъда қилган, аммо ҳозирча 150-200 доллардан ошмаяпти. Ёки бошқа мисол: 2005 йилда республика ҳудудида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи ўнлаб ва юзлаб сайтларга тўсиқ қўйилганида, ўша вақтда ташқи ишлар вазир лавозимида ишлаган Элёр Ғаниев “Ўзбекистонда Интернетга кириш учун ҳеч қандай чекловлар йўқ”, деб билдирганди.

«ФАРЗАНДИ»ДАН ЖИРКАНГАН «ОТА»ДАН ҲАММА «ДАНГАСА» БЕЗОР!

Сарой шоири Абдулла Орипов собиқ Иттифоқ даврида чет элга бориб келганидан сўнг, бир шеър ёзган эди. У киши ўз шеърятни орқали, «бир негр боласи бир бурда нон сўраб, дўкон олдида борганида, дўкон эгаси, ўша боланинг устидан керосин сепиб, ёққиб юборган» деб таърифлаган эди. («Тунислик Бола» шеъри - тахр.) Бу гап 20 асрга тегишли. Ушанда биз бу шеърни ўқиб, жуда қаттиқ таъсирланганмиз. Чунки, у вақтда биз собиқ СССР давлатининг фуқаролари эдик-да...

Ҳозирчи?! Мустақил Ўзбекистоннинг ёшлари, ўз жонига қасд қилиб, ўзларини осмонда қараб ва ёқмоқдалар. Ваҳоланки, уларни ҳеч бир инсон, «ўзингни шундай қилгин» деб йўл кўрсатган эмас. Улар ўз ихтиёрлари билан, ақл-хуши жойида, ўз жонларига қасд қилмоқдалар. Хўш. Бунга ким сабабчи?! Аввалом бор, Ўзбекистон ҳукумати 23 йил давомида бошқариб келаётган, Каримовнинг сиёсати туфайли шундай нохуш воқеалар юз бермоқда... «Ота» ўз фарзандининг келажагини ўйласа эди, бу фарзандлар Қозоғистон ва Россияда «бир бурда нон топиш учун» юртма-юрт кезиб, сарсон-саргардон бўлиб юрмас эди. Ўзбек ёшларини шу кўчага солган ва уни шу ишга маҳкум этган мамлакат, «ота»си ҳамма нарсдан хабардор бўлса-да, ўзини кўрмаганликка солмоқда.

Чунки, мамлакатни бошқарган кема капитани кирғоққа олиб чиқиш учун имконияти қолмади. Кема эса, денгизнинг ўртасига бориб, чўкиш ҳолатига тушиб қолди. Чўқаётган одам эса ҳасга ёпишмоқда. Бирок. У ушлаган ҳас эса сароба бўлиб чиқмоқда...

Сиз ўз танангизга бир ўйлаб кўринг. Ўзбекистонда энг кам ойлик маоши 79 минг 800 сўмни ташкил этади. Шу ойликка яшаб бўладими? Бу ойликка нима беради? Иқтисодчи отанинг давлатдан оладиган ойлик маоши эса, 3-5 минг долларга етган. Унинг атрофига юрган порахўрларнинг ойлик маошлари эса 2-3 минг доллар. Яна, «плюс» уларга ҳар куни пора бор. Давлат уларга ҳамма шарт ва шароитни қилиб қўйибди. «Егани олдида, емагани кетида». Бу порахўрларнинг фарзандлари эса, энг яхши «люкс» машина ва дангиллама участка ҳовлиларда яшаб маза қилиб яшамоқда. Оддий деҳқон фарзанди эса, Москва кўчасини супуриб, фаррошлик қилиб, русларнинг сассиқ гапларини эшитиб, урилиб-сурилиб яшамоқда.

«Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деб аталмиш мамлакатнинг фарзандлари ўз мамлакатини иқтисодий ва ижтимоий ботқоқликдан олиб чиқиш учун, 6 миллиард долларга эга маблағни юбормоқда Россиядан. Қайси мамлакатда бор бундай танги ва мард ўғлонлар? Хаттоки, Ўзбекистон ўзи чет элга экспорт қилаётган газ, пахта ва рангли металлларидан бир йилда шунча маблағ, мамлакат ҳазинасига қилиб тушмайди...

Ўзбекистон халқига қанчалар тасаннолар айтса камлик қилади. Бу юртининг фарзандлари ўзини ва оиласини боқиш учун, Россия ва Қозоғистонда ишламоқдалар.

Мамлакат президенти эса, ўзбекистон номусини «ўйлаб» ундан жирканамоқда. Улардан ор-номус қилмоқда. Шу 23 йил давомида қанчадан-қанча ёш йигитларимиз оламдан кўз юмди. Қанчадан-қанча ёш қизларимиз ўз танасини сотиб, фоҳишалик қилиб, ОИТС (СПИД) касаллигига йўлиқдилар. Ўзбек миллатини йўқ қилишга асосий замин тайёрланди десак хато бўлмайди...

Аслида эса, мамлакатни талон-тарож қилиш учун Каримовнинг ўзи йўл очиб берди. Биринчилардан бўлиб, Гулнора ва Лола Каримовалар Ўзбекистон бутун бойликларини талон-тарож қилишиб, чет эллардан виллалар сотиб олдилар. Мамлакатни бутунлай инқирозга олиб келган ўшалар эасми?!

Куни-кеча Ўзбекистон телевидениеси орқали чиқиш қилиб, «Ўзбекистонда гадоилар йўқ» дедингиз. Сиз эски подшолик давридагидек, «қаландарлик тўн»ни кийиб, мамлакатни бир айланб чиқсангиз, Ўзбекистон кўчаларида юрган ўзбек фуқароларини кўрсангиз эди, ана унда, «гап бўёқда экан» дердингиз...

Ўтган йили Ўзбекистон телевидениесида чиқиш қилдингиз. Ушанда бир гапни айтдингиз, «Ўзбекистонда яшаётган фуқароларимиз бойиб ҳам кетмасликлари керак. Камбағал ҳам бўлиб қолмасликлари керак. Улар ўртга ҳолда яшашлари керак» дедингиз. Кечирасиз. Қайси мамлакатнинг фуқароси бой бўлса, ўша мамлакат бой бўлади. Бунга бир мисол келтириб ўтаман. 1995 йил Жанубий Кореянинг иқтисодий жиҳатдан инқирозга учраганида мамлакат раҳбари ўзининг халқига мурожаат қилган. Ушбу мурожаатига кўра, «Кореяни инқироздан олиб чиқиш учун, ўз имкониятларингиздан келиб чиққан ҳолда, давлатга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан. Сизлардан олинган ашёлар вақти соати Корея давлати оёққа тургандан сўнг, албатта қайтарамиз» дедангиз. Ҳозир Жанубий Корея халқига миннатдорчилик билдириб, ўз халқига қайтармоқда. Корея шу йиллар давомида ўзининг иқтисодини кўтариб олди. Ҳозирги кунда келиб эса, Осиё мамлакатлари ичида, «Осиё Йўлбарси» деган номга эга бўлди. Жанубий Кореяни инқирозга учратган ҳукумат вакиллари ва унинг президенти ҳали ҳам қамоқда ўтирибдилар. Ўша вақтда Жанубий Кореяни порахўрлик, товламачилик жинояти жуда ҳам авж олган эди...

Энди савол туғилади. Нима сабабдан Сиз мамлакатимиз фуқароларини бой бўлишидан чўчийсиз?! Бунинг битта сабаби бор. У ҳам бўлса, Сиз қайси халқ бой бўлса, ўша мамлакат фуқароси ҳукуматга қараб интилишини яхши биласиз. Сизнинг «нозик» жойингиз мана шунда-да! Сизнинг оилангиз ва қизларингиз мамлакатдаги тадбиркор ва ишбилармонларни бас дегунча таламоқдалар. Нима учун? Чунки, «Агар эртага улар бойиб кетса, менинг жойимга эга бўлиб қишади» деган вазваса, Сизни доим таъкиб остига олмоқда. Тахтдан кетиш Сиз учун ўлим билан баб-баравардир...

2008 йилдан буён давом этиб келаётган

инқироз ҳам, Ўзбекистонга ўз таъсирини ўтказди. Халқимиз мажбур бўлди, ўз она юртини ташлаб, ўзга давлатларга иш қидириб кетишга. Ўз оиласи ва давлатига ҳисса қўшишни истаган ўзбек йигитлари энг шимариб ишга киришди. Бизнинг ўзбек халқимиз доно халқдир. У қаерга бўлмасин, ўзининг камтарона меҳнати ва ҳалол пули билан мардикорчилик қилиб бўлса-да, кунини ўтказди. Мардикорлик бу халқнинг қон-қонига ва жон-жонига сингиб кетган. Бу халқ қора иш билан пишиб етилган халқдир. Бу халққа озгина эътибор бўлса бас. У ўз жонини беришга ҳам тайёр. Бу халққа хайқал қўйса ҳам, камлик қилади. Бу халқнинг борлигига шукур қилмайсизми? Сиз ва Сизнинг атрофингизда юрган ғаламис ўғрилар айнан ўзбек халқининг нонини тортиб олиб, шунинг устидан кун кўрмоқда...

Мен яна бир мисолни келтириб ўтмоқчиман. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик бир даврга Осиё давлатлари ичида Хитой Республикаси, Америка ва Европа давлатларининг бозорига ўзининг товарлари билан эгаллаб олди. Мана Сизга маданий йўл билан қурашишнинг бир йўли. Ер юзининг қайси мамлакатига борманг, албатта Хитой товарларини кўрасиз. Худди шунингдек, Ўзбекистонда ҳам, Хитой товарлари ҳаддан ошиқ босилиб кетган. Бу мамлакатнинг иқтисоди кундан-кун гуллаб яшамоқда. Энг қизиқарлиси шундаки, Хитойнинг олтин захираси, 1 триллон долларга баҳоланмоқда. Хитой ер юзиде аҳолисининг кўплигидан биринчи ўринни эгаллайди. 1 миллиард 800 миллион кишини ташкил этмоқда. Шу ўринда яна бир савол туғилади. Қандай қилиб шунча аҳолини боқиш мумкин?! Ҳиндистонда-чи?! 1 миллиард 500 миллион киши бор. Ҳиндистон ўз халқини қандай қилиб боқмоқда?! Ҳиндистон ҳам, Хитойдан ортга қолаётгани жойини йўқ. У ҳам, стратегик йўл билан бўлса-да, давлатни ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқда...

Ўзбекистонда-чи? 30 миллион аҳолиси бор холос. Шундан 10 миллиони эса, Россия ва Қозоғистонда кун кечирмоқда. Қолган мамлакат ичидаги фуқаролар, мардикорлик билан кун кўрмоқдалар. Бу «мардикорлар» эса, бойлар учун уй-жой куришмоқда. Қайси бойнинг уйига борманг, ҳар бирида 20-50 дан ошиқ мардикорни кўрасиз.

Мамлакатнинг олтин, пахта, рангли металллар, нефть ва газ маҳсулотлари чет элга экспорт қилинмоқда. Экспортдан тушган маблағлар қаерга кетмоқда? Ваҳоланки, бу тушган даромаддан аҳолининг паст қатламини боқиш мумкин-ку?. Уларга янгидан-янги иш ўринлари ташкил қилиш мумкин эмасми????

Мардикорлик нима, айб ишми? Сиз ўшалардан жиркандингизми? Сиз ўшаларни «дангаса» деб атадингизми? Аслида эса, мана шу, «дангасалар»нинг ҳаммаси, Сиздан безордирлар. Сиздан безор бўлганларидан Россия ва Қозоғистонга ишга кетганлар...

Фахриддин Тиллаев

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо адабий, илмий-назарий асарлари қатори «Бобурнома»нинг ҳам ўрганилмаган тарафлари, қирралари шунчалар кўпки, уларни бугунги авлодга етказиш ўтмишдаги қадриятларимизни тиклаш, ундан баҳраманд бўлиш, ёшларда юксак ватанпарварлик руҳиятини тарбиялаш каби долзарб масалаларда алоҳида ўрин тутади.

БОБУРНИНГ ИСТИХБОРОТ ТЎПЛАШ МАХОРАТИ...

Бобурнинг муҳораба майдонидаги ғалабаларини таъминлаган омиллардан бири, балки энг муҳими, унинг разведка хизматидан фойдаланиш қобилиятидир. Айни шу маҳорат минглаб лашкарларни ўлим балосидан асрашда, урушни ўз фойдасига ҳал қилишда, қолаверса, атрофидаги кишилар руҳияти, шахсиятини янада яхшироқ англашида, душман нияти – сирасроридан аввалроқ воқиф бўлишда Бобурга қўл келган.

Таъкидлаш жоизки, разведка хизмати тарихи узок ўтмишларга бориб тақалади. Ундан оқилна, тактик жиҳатдан пишиқ фойдаланган шахсгина юксак натижаларга эришган.

Шоҳ ва саркарда Бобурнинг юксак манткий таҳлили, уруш шароитини яхши англаши, яшиндек тез хулосага келиши, разведка хизматига ўз фурсатида мурожаат этиши ва қарийб адашмаганлиги кишини ҳайратга солади. «Бобурнома»дан бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

1503-1504 йилги воқеалар. Бобур Мовароуннаҳрдан ноумид бўлиб, Кобулга юз тутган, Ҳисор вилоятининг Илок яйловларини кезиб, тақдир бундан кейин унга не кунларни раво кўришини ўй-хаёлларидан ўтказайтган мураккаб давр, бор-йўғи «ушбу юртга йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара кўйдум» деб навқирон йигитлигига урғу берган пайти. Ёш Бобур бу юртларда ҳукмронлик қилаётган Ҳисор беги, кейинроқ ўзининг ашаддий душмани бўлган Хисравшоҳ ва унинг салтанати ҳақида маълумотга эга бўлиш учун Мулло Бобойи Пашоғарийни «алчиликка» юборади. Бобурнинг бундан мақсади элчи йўллашгина эмас, зарур маълумотга эга бўлиш эди. Лекин, Бобурнинг таъкидлашича, Пашоғарий «кўнгулга ёққудек сўз келтурмади». Аслида, Пашоғарий жудаям курук қайтмаган. У одамлар орасида бўлиб, айрим зарур маълумотларни етказган: «вале эл ва улусдин сўзлар келтурди».

Уша вақтда Бобур ўз лашкарларининг кўп қисмидан айрилган, 200-300 аскар ва беклари билан қолиб, ҳимояга ўта муҳтож эди. Бу пайтда теурий шахзодалар ва уларнинг беклари орасида лашкарларининг бир бек ёки султондан иккинчисига гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиши оддий ҳол бўлган. Бунда иқтисодий, маънавий, маиший жиҳатлар, албатта, омон қолиб лашкар сафида бўлиш масаласи асосий омиллардан бўлган. Шу боис Бобур учун Хисравшоҳ лашкарларининг кайфиятини билиш муҳим бўлган ва у бу вазифани разведка хизматига юклаган. Лекин натижадан унчалик кўнгли тўлмаган. Зарур маълумотга эга бўла олмаган Бобур ноилж Коҳмард ва Бомийн томонга равона бўлади.

Яна бир мисол Хисравшоҳнинг иниси Боки Чағонийнийнинг Бобурга ет-

казган разведка хабари билан боғлиқ. Афғонистонда ўз ҳукмронлиги асосини солаётган Бобур бегона юртдаги шаҳар, қишлоқ, ўрмонзор, кўча ва пасткўча, дарё ва сойлар хусусиятини жуда синчковлик билан ўрганади. Айниқса, бу лашкар хавфсизлиги, салтанат тақдири билан боғлиқ бўлса, Бобурнинг синчковлик қобилияти янада ошган, эҳтиёт чораларини кўришга қиришган.

Ҳали Бобурнинг Кобул ҳокимияти мустаҳкам шаклланмаган бир пайтда, атрофидаги дўстлари ҳам душман рафторини қилганда уларнинг ҳар бир ҳаракатини ўрганиш, кейин хулоса чиқариш бениҳоя муҳим эди. Шу даврда Бобурга нисбатан ёвқарашда бўлган Боки Чағонийний «арзга еткурдиким, сув кечмай ушбу ердин (яъни Кўрақатудан – қавс ичидаги баъзи изоҳлар муаллифники), кўнуб, Кўхат отлук ерга борса бўлур эмиш...» Бирок Бобур бу хабарга унчалик ишонмади. Чағонийний Бобурни ишонтириш мақсадида бир неча айғоқчи қобулийларни олиб келади. Тундан кейин бир қадар ишонган бўлса-да, ушбу маълумотга таяниб уюштирган ҳужумдан Бобурнинг кўнгли тўлмади: «Боки Чағонийний арзга еткурғандек НИМА черик элига тушмади. Бокибек бу саъйдин шармандарок бўлди». Бу разведка маълумотлари кундалик ҳарбий амалиётлардан бирига хизмат қилган бўлса-да, Бобур бу масалага жуда жиддий ёндашган.

1528 йил воқеалари. Захириддин Бобур Ҳиндистонда Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортиқ лашкарини ентган. Бу узок ўлкаларда Амир Темур империясини тиклашдек орзуси амалга ошганлигидан шод бўлган даври. Бирок бу пайтда унинг ҳукми Ҳиндистоннинг барча ўлкаларига тўлиқ ўтмас, қаршилиқ кўрсатаётган ҳинд рожалари, лашкар бошлиқлари ҳали анча ташвишлар орттирар эди. Бу вақтда Бобурнинг ҳарбий маҳорати етилган, у юрт олиш учун ҳар бир хабар, маълумотдан борган сари унумли фойдаланар, ҳинд ерида тезроқ мустаҳкам, ҳар қандай ихтилофлардан холи давлатни тузишга ошиқар эди. Ана шундай пайтда Бобур шерикларининг олдига, Кўх деган жойга кема билан етиб келади. Унинг кайфияти яхши, руҳи ғалабалар нашидасидан кўтаринки эди. Уруш оралиғида, исёнчи хиндулар, афғонларнинг тўсатдан қиладиган ҳужумлари вазиятида у курашчилар мусобақасини ўтказган, ҳатто бу спорт тадбири янада жонли ўтишини истаб, ўзи таъкидлаганидек, «хилофи қоида» «аввал зўрроқларни» майдонга чорлаган. Хуллас, бу пайт Бобур руҳиятида кам содир бўладиган хурсандлик дами бўлган.

Бирок бу кайфиятни Султон Муҳаммад баҳши келтирган разведка маълумоти ўзгартиради. Ҳаёт нашидасидан сармаст Бобур ўша заҳотиёқ шоҳ Бобурга айланади. Шу жараёнда «Султон Искандарнинг ўғли Маҳмудхоннингким, Султон Маҳмуд дерлар эди, БУЗУЛҒОНИНИНГ хабарини келтурур». Демак, Бобурнинг разведкаси олдин унинг томонига ўтган Султон Маҳмудхоннинг «бузулғонини» етказган, яъни у ўз ваъдасидан қайтиб, Бобурга нисбатан душманлик кайфиятини ихтиёр этган.

Бу хабар «намози дигар»да — кун қорайгунча етиб келган. Келаси кун «намози пешин» (куннинг ярми)да Бобур бу маълумотга ишонқирамай разведкага бошқа кишини юборди ва у ҳам айни хабарни келтиради. Бобур ёзади: «Икки намоз орасида Тожихон Сарангхонийнинг арзадошти ҳам жосус хабарига мувофиқ келур. Бу кайфиятларни Султон Муҳаммад келиб арзга еткурди». Ушбу маълумотномалардан сўнг «Бобурнома»да бу ердаги муҳорабанинг айрим деталлари баён қилинади, Банорасга ўтган афғонларнинг шикаст топганлиги ҳақида сўз боради. Аслида, бу ҳол курашларнинг бир кунлик лаҳзаси, холос. Аммо, шунга қарамай, Бобур ўз хабарчилари — разведкачилар келтирган маълумотларга қатта эътибор билан қараган.

1507-1508 йилларни Бобур сиёсий қарашларининг энг масъулиятли даври, десак бўлади. Кобулда ўз сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаган Бобур Ҳиндистонга юзланади. Ўзининг айтишича, «Жумоидулаввал ойи Кобулдин Ҳиндустон азимати била кўчилди». Ана шу бир жумла доирасида Бобурнинг янги саргардонлик тақдири, ўзининг иқдорича «не бормокка ери муқаррар, не турмокка юрте муайян, юқори-қуйи яна бир ХАБАР ОЛГУНЧА юрт тоза қилиб кўчилур эди». Бунда Бобур аниқ қилиб разведка хизмати, унинг ишончли хабарини олмагунча бошқа ерларни ўз тасарруфига киритишга шошилмаганлигини айтмоқда. Унинг бу тактикаси, ҳарбий истеъдоди кейинроқ Ҳиндистон муҳорабаларида жуда қўл келган.

1507-1509 йил воқеалари. Бобур Кобулдан ҳозирги Жалолобод вилояти — Нингнаҳордан Ҳиндистон томон борар экан, жуда кўп афғон тўдаларига дуч келади, улар билан муҳорабалар олиб боради. Бу жараёнда ҳам Бобур разведка хизмати-га мурожаат этади. «Бобурнома»дан маълумки, Бобур учун энг муҳими, лашкарни эмин тутиш билан бирга уни озиқ-овқат, турар жой, чорва, отларни емиш билан таъминлаш бўлган. Армиянинг салтанатининг озиқ-овқати масаласи ҳамини биринчи галдаги вазифаларидан саналган. Бобур Нингнаҳор туманидаги Одинапур кўрғонига яқинлашганида айнан эулик маҳсулот, айниқса, шоли танқислигига дуч келади. Кеч куз пайтида эса шоли деҳқонлар томонидан йиғиштириб олинган, далаларда айтарлик ҳосил қолмаган. Бобур ёзади: «Кеч куз эди.

Шолини тузларда аксар кўтариб эдилар. Ер билур кишилар арзга еткурдиларким, Алишанг туманининг руди юқори мил қанори шолени қалин эрқарлар. Черикка кишлик ошлиқ эҳтимоли борким, андин ҳосил бўлғай.» (Ҳақиқатда, Алишанг тоғликда жойлашган бўлиб, унинг тепароқ қисмида шоли экинни кеч пишади. Ушбу сатрлар муаллифи Афғонистон Жалолободининг бу мавзеида бўлиб, у ерда жуда юқори навли шолилар етиштирилишига гувоҳ бўлган). Бу ҳолатда разведка хизмати кўзланган натижани берган: «Нингнаҳор жилғасидан отланиб, илдам келиб, Сойгилдин ўтиб, Пуройин дарасигача борилди, қалин шоли черик эли олдилар.»

Мана бу мисол ҳам Бобурнинг ҳарбий-стратегик режалари билан боғлиқ. Воқеа Афғонистон ерларида, феврал ойининг ўрталарида содир бўлган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

1509-1510 йилнинг бу киши анча кеч келиб, Бобурга черикнинг озик-овқати ташвиши ором бермаётган пайт. У ёзади: «Сешанба куни ойнинг етгисиде бекларни ва дилазак афгонлари улуғларини тилаб, кенгашиб, сўзни мунга қўйулдиким, йил охир бўллубтур, хутга бир-икки кун қолибтур, туздаги ошликни тамом кўтарибтурлар. Бу фурсатга Саводқа борсак, черик эли ошлиқ топмай танкислик бўлгусидур».

БОБУРНИНГ ИСТИХБОРОТ ТЎПЛАШ МАҲОРАТИ...

Бобур ўзининг лашкарлари билан жуда машаққатли доvon, адирларни кезиб охири Панкйалий деган жойга тушадилар. Маҳаллий шароитни билиш, кейингина бир қарорга келиш учун Бобур «Ўғонбердини бир неча киши била тил олғали илгаррак» юборади. Бирок, Ўғонберди ҳам бу гал «кўнгул тилагудек таҳқиқ хабар келтурмади».

Албатта, бу ҳол Бобурни қаноатлантирмаган. У яна разведка хизматиға мурожаат этади: «Офтоб бир найза бўйи чикқанда Рустам туркманниким, қаравулликқа йиборилиб эди, хабар келтурдиким, афгонлар хабардор бўлиб, кўзғолишибтурлар». Бобурнинг бу галги хабарчилари аниқ маълумот олиб келмаганларидан сўнг, у таваккал қилиб ҳужумга ўтади, ғанимларининг «бир пора асир ва ўй ва галаларини» қўлга киритади. Бобурнинг шу жойдаги бошқа разведка маълумотини олиши у билан кураш олиб бораётган афгон саркардаларининг умумий ҳолати ҳақида бўлиб, унинг энди, қайси йўлни танлаши учун муҳим эди. Аслини олганда, худди шу фурсатларда, афгон ерларини унча яхши тасаввур этмаган Бобур учун бундай хабарлар зарур ва разведка хизматининг асосий вазифаларидан бўлган. Бу маълумотлар юзаки қараганда жўнроқ кўринса-да, аслида Бобур ва унинг лашкарларини ўлимдан сақлаган, озик-овқатли мавзеларга етаклаган, кимга қарши курашишни олдиндан белгилаб берган. Бобур ўзи учун умр мазмунининг асоси бўлган қарор — Ҳиндустон юришига: айни шу маълумотларга эга бўлганидан кейингина азм қилган: «Бажаврдинким, ёнилли, Бҳира хаёли била ёнилли эди, то Кобулға келиб эдук, хамиша Ҳиндустон юриши хаёлида эдук».

Мана бу мисол эса Бобурга бевосита уруш майдонида, унинг ҳал этувчи палласида разведка нечоғли қўл келганини кўрсатади. Бемалол айтиш мумкинки, Ҳиндустонни эгаллашдаги бу якуний уруш муваффақияти, имкон қадар Бобур лашкарлари учун кам талафот билан якунланганлиги ана шу разведка маълумотларининг натижаси билан ҳам боғлиқ. Чунки биз «Бобурнома»нинг бирон саҳифасида Бобурнинг бунчалик кўп, устма-уст хабарчиларини маълумот йиғиш учун юборганини, разведка маълумоти муҳораба ютуғининг бош омили эканлигиға бу қадар аниқ баҳо берилганини кўрмадиким.

Бобур ёзади: «Шанба куни жумодидул аввал ойининг ўн тўртида Агра навоҳисидин кўчуб, чоҳлар қозилғон юртқа келиб тушудди. ... Дарвеш Муҳаммад сорбон била Қисмтойким, Байанаға бориб келиб, ер-сувни билиб эди, илгари Секрий кўлининг ёқасида юрт кўра йиборилди. Келиб, юртга тушуб, Махдий Хожаға,

Байанадағиларға киши чоптирулдиким, бетавакқуф келиб, қўшулғайлар».

Демак, Бобур бу муҳорабаға киргунга қадар уч марта разведка хизматиға мурожаат этган. Унинг хабарчилари бу ернинг рельефи, сув заҳираси, ҳолатини «кўруб-билиб» келишлари зарур эди. Бунда маълумот тўлақонлигини таъминлаш, шубҳаға ўрин қолдирмаслик топширилган. Бинобарин, ҳатоликка йўл қўйиш урушда энгилиш билан баробар бўлган. Бобур маълумотни олиб, қаноат

ҳосил қилгандан сўнг тез хулосаға келди: «... бетавакқуф келиб қўшилғайлар». Яъни заҳирадаги қўшинлар унга келиб қўшилишини амр қилган. Шундан кейин ҳам кўнгли тўлмаган Бобур яна разведкадан фойдаланади ва ана шу хабардин кейин ва бу ерда жанг олиб боришға оид тайёргарлик ишларини якуниға етказди. Чунки хабарчиларнинг маълумотиға биноан заҳира қучлари унга етиб келади, душманнинг қаерға, қайси масофада келиб тушганлигидан огоҳ бўлади ва шунга қараб керакли жойларда қоровуларни тайинлайди: «Хумоюннинг навқари Бек Мирак мўғулни бир неча йигит била кофирдин хабар олғали йиборилди. Кечасиға бориб, хабар олиб, тонгласи хабар келтурдиларким, ғаним кишиси Бусовардин бир курух илгаррак келиб тушган эмиш. Ҳам ушбу кун Махдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзо ва Байанадағи илғор келиб қўшуддилар. Беклар навбат била қаравулликқа таъин бўлдилар».

Заҳиратдин Бобур муҳорабада ҳар қандай хатолик ёмон оқибатларға олиб келишини алоҳида таъкидлаган. Юқоридаги матндан кўринадики, Бобур разведка маълумотлари асосида ҳар бир бекни ўз лашқари билан маълум вақт ва манзилда қоровулликқа тайин этган. Аммо, бу маълумотларға эътибор бермаган Абдулазиз бек жуда катта хатоликка йўл қўяди, ўзини ва лашқарини хавф остида қолдириб, уларнинг айримларидан айрилади, сафдошларини ҳам чалғитиб, уларнинг бошига турли қулфатлар ёғилишиға сабаб бўлади. Ана шу мисолнинг ўзи ҳам Бобурнинг разведка маълумотлариға нақадар эътибор бергани, унга ўзи амал қилгани, қаламравида бу тартибни бузганларға мурасасиз бўлгани далилидир. Зеро, Абдулазизнинг шу ҳатоси жуда катта муҳорабаға ҳозирлик кўраётган Бобурнинг режаларини бузади, Муҳаммад Али жанг-жанг каби лашқарбошисини бу жангға киритишға мажбур бўлади.

Мана бу мисол Бобурнинг Иброҳим Лўдий билан олиб борган курашининг дастлабки пайтиға тааллуқли. У Иброҳим Лўдий аскарлари ҳолати, унга ким дўст, ким ғаним эканлигини билиш, «таҳқиқ қилиб» келишни разведка хизматиға буюради ва маълумот ишонарли бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди: «Сиялқоттин Шохим Нурбеким ҳам Лахур бекларига чоптирулдиким, ёғий не ерда эканин таҳқиқ қилиб, қайда қотилурларини соҳибвуқуф кишидин билиб, айтиб йиборсунлар».

Бобур ўз юрти ва бошқа ерли савдогарлар орқали ҳам разведка маълумотлари олишға интилган. Албатта, бу усул янгилик эмас. Савдогарлар ҳукмдорлар учун хамиша зарур маълумотлар етказиб туришган. Бирок Бобурнинг бу галги мақсади

аниқ нишонға теккан. У Иброҳим Лўдий ҳақида жуда муҳим маълумотға эга бўлади. Оламхоннинг Иброҳимға қарши туриши, Хуросонда эса кўчманчи ўзбеклар Балхни муҳосара қилганликлари ҳақида маълумот олади ва зудлик билан қатъий қарорға келади: «Оламхонға Ҳиндустон сари руҳсат бериб, ўзумуз Балх устиға отландук».

Қуйидаги мисоллар юқоридагидек катта сиёсий аҳамиятға молик бўлмаса-да, муҳораба тақдирини белгилашда муҳим ўрин эгаллаган. 1525 йилги муҳорабалар Бобурни анчагина чарчатган бўлса ҳам, ёнида тўнғич ўғли Хумоюн мардонавор курашиб, қўлгина асирларни, қўлга киритилган фйларни олиб келиб мулозамат қилганлиги унинг руҳиятини кўтарган эди. Лекин Бобур рақиб Иброҳим Лўдийнинг сир-асроридан, ҳарбий имкониятидан кенгроқ хабардор бўлишни мақсад қилар экан, қандай бўлмасин, душман орасидан «тил» олиб келишни буюради: «Ул юрттан кўчуб, Шохобод келдук. Тил тутар учун Султон Иброҳимнинг ўрдусиға киши йибориб, неча кун бу юртға тавакқуф бўлди». Демак, Бобур ҳатто разведка хабарини кутиб, бу жойда бир неча кун қолиб кетган. Унинг бу сабри ўз натижасини берган. У лашкарлари ва сафдошлари билан хавфсиз йўлни танлаб ҳаракат қилган. Лекин бу жойға етиб келган заҳоти яна бир кишини разведкаға, яна «тил» тутиб келишға жўнатган: «Иброҳимнинг ўрдусидин ҳам мутаботир хабарлар кела бошладиким, бир курух-икки курух кўчуб ҳар юртға икки-уч кун маком қила-қила келадур. Биз ҳам мутаважжих бўлуб, Шохободдин ора икки қўнуб, Жуун дарёсининг ёқосиға Сарсава тўғриси келиб тушук. Хожа Калоннинг навқари Ҳайдарқулини тил тута йиборилди».

Бобурнинг бу галги тиришқоқлиги, мақсад сари интилиши, юксак разведка қобилияти зарур натижани берган. Ҳайдарқули келтирган хабар Иброҳим Лўдий билан бўлган жанг муваффақиятини таъминлаган. Бу хабарда душманнинг ҳарбий имконияти, армия сафларининг жойланиши ва сони, лашқарлар орасидаги ўзаро муносабат, ҳатто уларнинг қайси ҳолатда ўтириб-туришларига тафсилоти билан етказилган эди. Бобур ушбу маълумотни олар экан, ҳужумға ўтиб, ўзининг энг кўзға кўринган сарлашкарлари Чин Темур Султон, Муҳаммад Султон, Султоним Жунайид, Мир Хусайн ва бошқаларни бу муҳорабаға сафарбар этади. Натижа унинг кўнглидагидан ҳам яхши бўлади. Бобур муҳорабаларда жуда катта ютуққа эришади, ўзи ташаббус кўрсатиб Уста Алиқули тўпчи билан яратган тўпларини ишға солиб, Иброҳим Лўдий устидан муғлак ғалаба қозонади. Бу натижаларни қўлга киритишда, албатта, бевосита унинг разведкаға оид қобилиятининг ҳам муҳим ҳиссаси бўлган.

Аждодларимизнинг ҳарбий салоҳияти тарихини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанға муҳаббат туйғусини уйғотишда алоҳида аҳмиятға эга. Бинобарин, миллатимизнинг ҳарбий тарихи ҳарли ўрганилган эмас. Биргина Бобур ҳарбий маҳорати қўлаб тадқиқотларға етарли материал бера олади. Бу масалаларни Бобурнинг моҳир адиб, шоир, олим, энциклопедик билим соҳиби сифатлари билан ҳамоханг ўрганиш, айникса, янада катта самара беради.

Ҳасан Қудратуллаев

ЗАЛВОРЛИ ВАЛЮТА

Хафта олдин таркалган нохуш хабар тасдиқланди — келаси ойдан беш минглик қоғоз муомалага чиқаркан.

Айрим пулпаст биродарларимиз ҳадларидан ошиб, унданда каттарок



рақамларни орзу қилаётганидан ҳам хабар топяпмиз.

Сўм бугунги холида ҳам халқимиз учун азиз ва арзанда.

Халқимиз сўмни севмаганида эди, уни халталаб, қоплаб, ёзининг иссиғида ҳам, қишининг совуғида ҳам бирдай ардоқлаб кўтариб юрмасди.

Бугунги кунда ўзбек сўми — дунёдаги энг залворли валюта. Уни санаб ўтирмайсиз, дасталаб тарозига ташласангиз бас, дўкончи дарров мисколига қараб микдорини айтади. Агар ўн минглик ёки эллигу юз минглик қоғозлар муомалага кирса, одамлар айна қулайликлардан махрум бўлиши табиий.

Қолаверса, улус яна энгил ҳамёнларга ўрганиши ва баттар дангаса бўлиб қолиши хавфини ҳам унутмаслик керак.

Мурод Мухаммад Дўст

«КУНДАЛИК» ДАН

(Илгарии эълон қилинмаган матнлар)

ЭРКИНЛИК

Сен филдан эркинроқсан, қумурсқа! Фил, бу чангалзорлар, воҳа, водий ва биёбонлар ҳукмдори сендай эркин бўлолмайди асло. Сендаги эркинлик — балки, эҳтимол, сендан-да кичикроқ бўлган ҳашоратларни ҳисобга олмаганда — ҳеч кимда йўқдир. Филдан фарқли ўларок, сен истаган пайтингда истаганингча бўкиришинг мумкин, бу ҳеч кимни безовта қилмайди. Эркинликнинг жозибаси ҳам шунда эмасми, зотан? Эркинлик — қар қулоқларнинг фароғати эмасми? Сен эркинсан, қумурсқа, сен мутлақо эркинсан, бундай эркинликка филлар ҳавас қилса арзийди. Аммо эҳтиёт бўл, бу филнинг панжалари остида қолиб кетма. 2010

МУҲОЖИРЛИҚДА

Биз совуқларга парво қилмаймиз, чунки, атрофда Баҳор. Аччиқ аёздан қизариб кетган қўлларимиздаги хуржунни елкага осиб, юқдан бўшаган қўлларимизни чўнтакка яширишдан истиҳола қиламиз, чунки, атрофда, боя айтганимиздай, Баҳор ҳукм сурмоқда. Апрель ойида совуқотган қўлларимизга пуфлаб, уларни иси-

тиш эҳтиёжи туяётганимиздан ҳижолат чекамиз, чунки, баҳорда бундай қилинмайди. Биз воқелик эмас, туйғулар ҳукмида, қачонлардир тарк этганимиз Ватан шаклантирган тушунча ва туйғулар ҳукми остида яшаймиз. Рух вужуднинг изтиробларини тинглашни истамайди... 2005

САСНИНГ ПАСТЛИГИ

Тўппонча ўз қурбонини таҳқирлагувчи даражада секин товуш чиқарарди. Тўппончанинг «писиллаб» отилгани худди шаллақи бир кимсанинг шанғиллагани сингари ҳақоратомуз эшитиларди. Писиллаган товуш ва ўлим бир-бирига мутлақо номуносиб, уйғун бўлмаган нарсалардай кўринар эди.

Аслида эса, Ўлим бутун «писиллаган» товушларнинг юксак тантанасидир. 2005

ДУНЁНИНГ ЧЕТИДА

«Дунёнинг четига бўлса ҳам, Кетаман, -деган эдинг, — изингдан», Мана, Дунёнинг четига юрибмиз, Сен сўзингнинг устидан чиқдинг, севгилим. Мана, яшайпмиз, севгилим, Бир-бирининг ортидан Дунёнинг четига кетган Одамлар юртида... 2005

Мақсуд Бекжон

Дўстлар, данний мамент родной тилимизга давлат статуси берилган указ чиққанига йигирма икки йилдан ошди. Бу катта срок. Шунча йил бўлибди-ю, фактически ҳали ҳам тилимизга разнoб-разний сўзларни аралаштириб гапириб, порот бўлаяпмиз.

ЎРТОҚЛАРГА ОТКРЕВЕННИЙ ХАТ

Катта братанлар ҳам, молодойлар ҳам чиста ўзбек тилида гаплашмаяпти.

Иностранслар бу туришда устимиздан тугул, ёнбошимиздан ҳам қулиб ташлайди. Ахир бу позор-ку. Биргина мисол, қўшиқчи звездларимизни олайлик. Ўзбекча куйлайди, лекин ўзбекчани билмайди. На всяки случи, ҳой баракатопгур тўғри талаффуз қилишни ўрганиб кўй, дейдиган одам йўқ. Ответственность суств. Вот проблема где? Бу кетишда дедушка, бабушкаларимизнинг сўзларини польний унутиб юборамиз, шекилли. Э, бўлмаган гап, мазгини қотирма деяписизми?

Вот, например, сизларга ўзим гувоҳ бўлган бир-иккита свежий вокеани айтиб берай. Яқинда бир тўда друғларим билан стадионга футбол кўргани тушдик. Биз балет қиладиган команда биринчи таймда нормальный ўйнаб турувди. Иккинчи таймда сулучайно духига ўтирса бўладими?! Срази 2 та гол ўтказиб юборди.

Действителний бемалол ютса бўларди. Аксига олиб футболистлар судья билан против бўлиб қолишди. Натижада бир ўйинчимиз красний карточка олиб майдондан қувилди. Нервим чиқиб кетди. Бир пайт қарсам ёнимдагилар русчасига Педя

(судьянинг исми шунақа бўлса керак) мен биринчиман деб бақираяпти. Шу ерда ҳам ҳақиқат йўқ деб хунобим ошди. Эътибор берсам, улар референи аразлади деб ўйлашган чоғи, аввал унинг исмини айтиб, кейин араз, араз деб бақириваётган экан. Не может быт дея қулоқларимга ишонмадим. Бўларкан-ку, ёмон гапни ҳам шундай ифодаласа, маладес дея ёнимдаги кишининг елкасига қоқиб кўйдим. Нотаниш киши менга олайиб, «Чорт побери, дурак, судьяни сўкяпмиз-ку?», деса бўладими. Кейин билсам, болельшиқлар баралла сўкинаётган экан. Ер, йўғе, стадион ёрилмади кириб кетсам. Роса уялдим. Концо концов ютқазганимиз ундан бадтар алам килди.

Шундоқ, домимизни ёнида школа бор. Ишга кетаётиб, бир тўда молодойларнинг бир-бири билан урушаётганини кўриб қолдим. Бориб уларни ажратмоқчи бўлсам, разборга аралашма деб бақиривди. Муштдай хулиганларнинг признават қилмагани майли, нукул аллақандай

мен тушунмайдиган сўзлар билан сўкиниб, менинг ўзимга наезд қилиб кетишди. Ичимда пожар бошлангандай бўлди. Гражданлар, неужилли, соф ўзбекча гапиришининг иложи бўлмаса?

Кароччи, гапни айлантирмай, срази айтиб кўяй, хуллас бу ҳолатлардан вoбше недаволенман. Бу проблемани решат қилмасак бўлмайди. Помоему, даставвал проблема детсадами, мактабдами, ёки ўзимиздами, бунини точно аниқлаш зарур.

Ана ундан кейин унга срочно чек кўйса бўлади.

Бундан ташқари биринчи очерёда давайти, бугундан чисто ўзбекча гапиришни бошлайлик. Спор ўйнайман, невозможний нарсанинг ўзи йўқ, ҳаракат қилсак эплаймиз. Так что, хотя бы ҳафтанинг конкретний бир кунида зарубежний аралаштирмасдан гаплашсак, отвечаю, мақсадимизга эриша оламиз.

Например средами, четвергми, фарки йўқ. Барчамиз учун удобни кунни танласак бўлди. Пожалуйста, ўша куни оилада болалар билан, ишхонада сотрудниклар билан чиста ўзбекча мулоқотда бўламиз. Келишдик-а. Пока шу гаплар. Дальше яна ўйлашиб кўрамиз.

Аралаш ҚУРАЛАШОВнинг письмосини

Иномжон АБДИЕВ оққа кўчирди.

2. ТИЛГА АЛОҚАДАР ШЕЪРЛАР

“Маданият” калимасининг тимсоли холига келган тил билан боғлиқ шеърлар ёзмок шоирлар учун ахамиятини ҳеч қачон ёкотмагандир. Тил ҳар нарсадан аввал шоирнинг ягона воситаси ва унинг мавжудлиги сабабидир. Тил бегона идоралар остида яшашга мажбур миллатлар учун эса ҳаёт манбаи бўлган. Чоризм ва Совет даврида яшаган турк қавмлари учун тил ва дин руслаштириш сиёсатига қарши мужодалада илҳом қайноғи (манбаи) эди.

Дин фаркли инончни, эътиқодни ифода этса, тил фаркли миллий мансубиятни тамсил этмақдадир.



МУҲАММАД СОЛИХ ШЕЪРИЯТИ

Динимиз бизни баъзи миллат ва қавмлардан айратиб турса, тилимиз бутун миллат ва қавмлардан айратиб турган ягона хусусиятмиздир. Шоир ва ёзувчиларнинг тилга муҳаббат дараясида боғланиши сабаби шубҳасизки ўз миллатларини ифода этиш орзусидир. Шу боисдан тилнинг миллий ҳаётимиздаги ахамияти чуқур идрок этган шоир ва ёзувчилар миллатининг байроқлари саналдилар.

Озарбайжон шоири Бахтиёр Воҳобзода умри бегона идора ҳокимияти остида ўтган бир шоир ўлароқ тилни миллатини ифода қилган ягона восита ўлароқ кўради.

Ўзбек шоир ва ёзувчиси Муҳаммад Солиҳ ҳам тилни Бахтиёр Воҳобзодага ўхшаб миллий ҳаётнинг энг муҳим шарти сифатида таърифлайди:

“Тил табиатдир, тил шахсиятдир, тил томиримизда оққан қондир. Мен тилга, она тилимизга ишонаман. Тилнинг табиий қудрати бизни ўзига ром этажак ва Ғарбга ёки Шимолга тақлиддан кутқараядир”

“Озодлик демек ўз тилига эга бўлиш озодлиги, ўз маданиятига, ўз анъаналарига соҳиб чиқиш озодлигидир.”

Мана шу “табиий қудрат” соясида Советлар Иттифоқининг тарқалганидан сўнг турли тилларда гаплашган турли қавмлар - бир неча аср руслаштириш сиёсатига тобе бўлганларига қарамай - миллат бўлиш шуури билан гўё янгидан тугилдилар.

Муҳаммад Солиҳ турли босқичларда қаламга олган мақолаларида тил хусусида ҳам гапирди. У бир шоир ва ёзувчи сифатида ўз тилининг менсимаслигидан қаттиқ изтироб чекади ва бунга шиддатли бир шаклда қаршилик кўрсатади. У нуфузининг 87 фойизи ўзбекча гаплашган Ўзбекистонда рус тилининг расмий тил бўлишини алам билан қаршилайди.

1994 йилда ёзган бошқа бир мақоласида ҳам рус тилининг Совет Империясида яшаган халқлар зехнига кийдирилган бир кишан бўлганлигини ёзади.

Муҳаммад Солиҳ шуурли бир туркчадир. У ўзи қўлланган тилга - русларнинг турк қавмларини бўлиб - парчалашга мўлжаллаган сиёсатига

қарамай- “ўзбекча” демайди, балки “туркий тил” дейди. Рус тили зўровонлигини “манқуртлаштирма” ўлароқ баҳолаган Солиҳ ўзбек туркчаси билан туркия туркчаси орасида фақат “талаффуз ва янги уйдирилган сўз ва иборалар фарқи бор ҳолос”, дейди.

Муҳаммад Солиҳ туркчанинг ифода қудратига инонган бир шоир. У “Туркий тилда сўзламак” исмли мансур шеърида туркчанинг ҳар турли туйғу ва тушунчани ифода этмак кучига ишончини сўйлайди. Шоирга кўра, туркча гапиришга қулай, айна пайтда қийин бир тилдир. Севгини ҳам, нафратни ҳам энг гўзал ва энг шиддатли шаклда тасвирлайдиган ягона тилдир.

Туркий тилда сўзламак ...

Туркий тилда сўзламак осон,

Туркий тилда сўзламак

нақадар қийин.

Нақадар лаззатли бу тилда

сўзламак, нақадар аччиқ.

Агар кайфинг чоғ бўлса,

эрталаб ўнг ёнбошдан турган

бўлсанг, ўтган кундан

пушаймонинг бўлмаса – собит

ишонч бўлса келажакка

– туркийда гапир.

Кимнидир севсанг,

кўксингга сизмаса муҳаббат –

Туркийда гапир.

Кимнидир ёмон кўрсанг,

бўғзингга тиқилса нафрат –

Туркийда гапир.

(1982)

Шоир бошқа бир шеърида туркчада юмшоқ сўзлар ҳам, кескин сўзлар ҳам ёнма- ён мавжуд эканлигини ёзади. Баъзи сўзлар ханжар каби кескиндир-ки, янглиш қўллансанг, у тилингни дарров тилим-тилим кесади.

Шоир талаффуз этилар экан фалокатга сабаб бўлиши мумкин бўлган сўзлардан “Эрк” сўзини ўрناق сифатида кўрсатади. “Эрк” қисқа бўлганидан талаффузда энг кескин калимадир. Лекин у ўзи ифода этган сиёсий ва ийтимой маъно тарафдан янада кескинроқ моҳият қозонади. Бу сўзни ёркин талаффуз этмакнинг сўнгги ўлимга қадар бориши мумкин.

Бунга муқобил шоир “ўлим” сўзини бошқа ҳеч бир тилда учрамаган юмшоқликдаги бир сўз, дея эълон қилади. Шоир “юмшоқ” сўзига “осон” маъносини юкламақдадир. Яъни “Эрк”дан воз кечолмаган инсон Совет идорасида “осон”гина ўлимга дуч келиши мумқунлигига имо этмақдадир. Аслида, сўзларни бу хусусиятга соҳиб қилган сиёсий тузумдир. Шеър совет идораси остидаги туркларнинг қандай шароитда яшаганларининг бир ойнаси сифатида ҳам ахамиятлидир:

Туркчада сўзлар бор

ханжардай ўткирдир,

Бир хато қилсанг бас,

тил дарров тилинар.

Айниқса, бировга айтмоқчи

бўлсанг сир,

Айниқса, ҳайқирмоқ истасанг,

билинар.

Туркчада созлар бор,

ўткирдир найзадай.

Аmmo мен биламан

ишимнинг кўзини:

Эрталаб тилимга,

доривор майсадай,

Қўяман “Энглиш”нинг

ўн-ўн беш сўзини.

Ўн-ўн беш сўз ила тузалгач бу яра,

Қайтадан тилимни

найзага ташлайман.

Энг ўткир сўзларга мен уни қўярар,

Энг юмшоқ сўзларни

келтира бошлайман.

Мен энди биламан,

енг қадим обида –

“Эрк” сўзи тил учун

енг хавфли калима,

Ва лекин бирор сўз

юмшоқлик бобида

Ҳеч тилда тенг келмас

бу туркча “Ўлим”га.

(1985)

Шоир “Ўзга тилда” номли шеърида ўз ҳаётининг бир нечта калима ҳудудларида жараён этганини ёзади. Ўз тилида гаплаша олмаслик изтиробини туяди:

Ўзга тилда бераман мен

ўз саломимни,

Ўзга тилда нонуштага

қилишар таклиф.

Бу шаҳарнинг кўчасида

кўр мисол мени

Ўзга тилнинг уч-тўрт

сўзи юрар етаклаб.

Ўша тилда кўрсатарлар

менга юлдузни,

Ўша тилда уйғотурлар мени саҳарда,

Ўз тилимни эмас,

Ўша уч-тўртта сўзни

Унутмоқдан қўрқаман

бу улкан шаҳарда.

Ватан бўлса – менинг тушим,

Ватан – тушумдир,

Ўз тилимда гапираман

фақат тушумда.

(1977)

Шуъайб Қорақош (Туркия)

ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

Биз инсонни ота-онасига яхши муомалада бўлишга амр қилдик.

Онаси уни не азоблар билан қорнида олиб юрди ва туғди!

Унинг кўтариб юрилиши ва сутдан ажралши муддат ўттиз ойидир.

(“Аҳқоф” сураси 15 оят).

“Еганингиз ҳалол ва тоза бўлсин; чунки фарзандингиз еганларингиздан ҳосил бўлади.”

(Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)

Ҳомилаликнинг илк ҳафталари

Тухумдондан чиққан битта тухум миллионлаб спермадан энг уйғунини танлаб, бирлашади. Тухум ва сперма (яъни она уруғи ва ота уруғи) кулф ва калит (ошиқ-мошиқ) каби бир-бирига бутунлай мос келмагунча бирлаша олмайди.

Бирлашган уруғлардан нутфа (эмбрион) юзага келади. У бачадон деворига жойлашгач, ҳомилалик бошланади. Уруғдондан чиққан уруғнинг ўрнида “сарик жисм” пайдо бўлади. Унинг вазифаларидан бири чақалоқ соғлом бўлиши учун она вужудини зарарли ортиқча нарсалардан тозалаб туришдан иборат.

Тозалаш ишларини ҳам ўз гормонларидан фойдаланиб, ҳам танадаги бошқа безларни керакли гормонлар ишлаб чиқаришга мажбурлаб амалга оширади. Ишлаб чиқарилган турли гормонлар сабабли, онада баъзи овқат ва хидларга нисбатан истаксизлик пайдо бўлади. Иштаҳаси қочиб, беихтиёр оч қолади.

Кўнгли айниб, иштаҳаси кесилган аёл учун энг маъқули иштаҳаси келгунга емаслик чақалоғи учун ҳам ўз соғлиги учун ҳам фойдалидир.

Илк ойларда 3 кунлик рўза тутсалар яна-да яхши..


Соғлом аёлларда кўнгли айнаши ва қусиш каби ҳоллар кузатилмасдан, ҳомилалик яхши кечади.

Баъзида касал аёлларнинг ҳомилалиги ҳам энгил кечиши мумкин. Аммо бу ҳол жуда шубҳали. Чунки иммун тизими кучли бўлмагани боис, ташқарига чиқариб ташлай олмаган зарарли моддалари киндик орқали фарзандига ўтади. Бундай ҳолларда йўлдошнинг (плацента) бузилиши, чақалоқнинг қалин, кир моддалар билан ўралиб қолиши кузатилади.

Бундай чақалоқлар тез-тез иситмалаб, иштаҳасиз, ҳолсиз ва турли иллатларга эга бўлади. Ҳомила даврида танаси тозаланмаган аёлларнинг сути ҳам захарли бўлади. Чақалоқ уни эмишни истамайди. Шунинг учун ҳам, ҳар бир киз оила қуришдан олдин, тез ҳомила бўлиш, ҳомилалигини яхши ўтказиш, соғлом бола туғиш ва сут муаммоларига дуч келмаслиги учун ўз соғлиги ҳақида ўйлаши шарт.

Ислом динида аёлни ва туғилажак чақалоқни барча ёмон таъсирлардан химоя қилиш учун жинсий алоқа пайтида амал қилиниши лозим бўлган қатъий қоидалар бор. Алоқани “Бисмиллоҳ” билан бошлаш, алоқа пайтида гаплашмаслик буларнинг иккитаси, холос.

Кийинишдан тортиб, бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлашда, хол ва ҳаракатлардан



сухбатларга қадар исломий қоидаларга риоя қилиш керак. Ҳомилаликнинг фақат илк ойлари эмас, илк кунлари, ҳатто илк дақиқалари ҳам жуда муҳим. Чунки уруғларнинг бирлашиши билан юзага келган нутфа хужайралари илк

сониялардан бошлаб, чақалоқ соғлиги, ҳаракат хусусиятлари ва характери шаклланиши учун маълумот йиға бошлайди. Бу хужайралар ота-она ва атрофидаги бошқа шахсларнинг барча ҳаракатлари, суҳбатлари, телевизор овози қабиларни энг нозик нукталарига ҳам қайд қилади. Кейинчалик эса, бу қайдлар чақалоқнинг янги шаклланаётган миёсига узатилади. Ультратовуш тўлкинлари бу қайдларни ноҳўя томонга кучайтириб бериши ҳам мумкин. Унинг ёмон таъсири генетик ўзгаришлар ва шунга боғлиқ касалликларга олиб келиши ҳам катта эҳтимолга эга.

Шунинг учун, ультратовушдан эҳтиёт бўлиш, ҳомилатор аёллар ёнида мумкин қадар оз гапириш, ҳаракат ва суҳбатларда эътиборли бўлиш - ҳар бир ақли одамнинг бурчидир. Аслида, аёлларга нисбатан ҳамма вақт диққатли муомала қилган маъқул. Чунки унинг ҳомиласи ёки йўқлигини маълум бир муддатгача ҳеч ким билмайди. Соғлом фарзандга эга бўлишни истаганлар бу мавзуда жиддий ҳаракат қилишга мажбур.

Ҳомиланинг тушиш хавфи

Ҳомилалик даврида тўхтамаётган одатий қон келиши, биринчи ойдаёқ келадиган сут ҳомиланинг тушиб қолиш эҳтимолини кўрсатувчи аломатлар саналади.

Соғлом бачадон касал чақалоқни ушлаб турмайди. Кетма-кет тушиб қолаётган ҳомила замонавий тиббий усуллар билан сақлаб қолинса, туғилган чақалоқнинг лосемия ва шунга ўхшаш оғир касалликлар билан туғилиш хавфи бор.

Ҳомиласини сақлаб қолишни хоҳлаган аёл оғриқ ва қон келиши бошлаган заҳоти, ичакларини бўшатиб, 3 кун оч ётиши мақсадга мувофиқ (“3 кунлик очлик” бўлимига қаранг). Оғриқ ва қон келиши тўхтагандан кейингина уй ишларига қарши мумкин. Аммо овқатланмаслиги, 5-7 кун давомида, мева ва сабзавот шарбати билан озикланиб туриши лозим.

Мана шу шаклда заиф бачадон қувват қозонади. Шундан кейин ҳам ҳомила тушиши давом этаверадиган бўлса, у ҳолда муаммо бачадонда эмас, чақалоқда ҳисобланади.

Бу ҳолда, чақалоқнинг туғилганидан кўра, тушиб кетгани маъқул.

Ҳомилатор аёл парвариши

Озгин аёллар ҳомилалик даврида 6-10 килограмм атрофида семириши нормал ҳол.

Семиз аёллар эса, бу даврда семириши керак эмас, аксинча, озгани маъқул.

Халқ орасидаги “Ҳомилатор аёл иккита одамнинг овқатини ейиши керак”, деган тушунча жуда нотўғри.

Ҳомилалик даври яхши кечиши учун, заиф аёллар ҳам, семиз аёллар ҳам илк 3 ойни, кўп ейиш ўрнига, 3 кунлик рўзалар билан ўтказгани маъқул.

Кейинги ойларда эса, еётган нарсасига эътиборли бўлиб, тўйгунича овқатланмаслиги лозим.

Оч қолган она вужудида озик ва кислород танқислиги вужудга келади. Бу ҳолда, етарли озик ва ҳавога эришиш учун чақалоқ ҳаракатга тушишга мажбур бўлади. Бу эса, унинг қон айланишини тезлатади. Фаол ҳаракатлари унга жисмонан соғлом шаклланиши учун замин ҳозирлайди.

Шундай қилиб, она очлиги фарзанд соғломлигига сабаб бўлади. Булардан ташқари, онанинг қилган ҳар бир жисмоний ҳаракати, спорт ёки нафасини ростлаш учун қилинган бадантарбиялари ҳам чақалоқ шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳомилатор аёлнинг осон туғиши ва сутининг тоза бўлиши учун, илк 4-5 ой ичида кўпроқ мева, тарвуз, қовоқ, кўкатлар, пиширилмаган сабзавотлар, табиий асал, бодом, ёнғоқ каби қуруқ озуқалар бўлгани маъқул. У калций, витамин ва протеин эҳтиёжини шу моддаларга бой беда, исмалоқ, жағжағ, шивит, кашнич, кичитки ўти, турп каби кўкатлардан, сарсабил қарами, артишок ва ҳафтасига 3-4 марта, тортишига қараб, гўшт ёки балиқ каби овқатлардан таъминлаши мумкин.

Яшил сабзавотлардаги мавжуд калций ва протеинлар ҳазми жуда осон бўлади. Улардаги хлорофил қондаги гемоглобинга ўхшагани учун, камқонликка жуда асқотади. Яшилликлардаги органик кислоталар фаол тозаловчи бўлгани боис, бачадон ва туғиш йўлларидаги муқкулларни турли кир қатламларидан, томирларни тикинлардан тозалайди.

Ҳомилатор аёлнинг пишган овқатга унчалик эҳтиёжи йўқ. Аммо истаса, кунига бир марта ейиши мумкин.

Ҳомилаторликнинг охириги 4 ойида хурмо ейиш, бир соат давомида ивтилган зиғир уруғи, саримсоқ, шафрон ва зайтун ёғи истеъмол қилиш туғишни қулайлаштиради.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Иўлдош